



24
(1446)-son
17-iyul
2020

Xabar

ERURSEN SHOH, AGAR OGOHSEN SEN
AGAR OGOHSEN SEN, SHOHSEN SEN

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI AXBOROT TEXNOLOGIYALARI VA KOMMUNIKATSIYALARINI RIVOJLANTIRISH VAZIRLIGI NASHRI

1992-yil martdan chiqa boshlagan www.xabar.uz

УШБУ СОНДА:

COVID-19

Коронавирусга чалинганлар ва уларнинг яқинларини тиббий ахборот билан таъминловчи 1105 рақами ишга туширилди **3-бет**

КИБЕРСПОРТ

IT-центры подписали меморандум о сотрудничестве с киберспортивной командой ARCRED **6-бет**

БУНИ ҲАЁТ ДЕЙДИЛАР

Меҳрдан яралган ришталар **9-бет**

ИБТИДОЙ ТИББИЁТ

Тўқмоқ зарбидан илон захригача **10-бет**

ЁШЛАР БАНДЛИГИНИ КАНДАЙ ТАШКИЛ КИЛИШ МУМКИН?

Ёхуд IT-Паркдан абитуриентларга ажойиб таклиф **11-бет**

СМАРТФОНЛАР

СUVOT X30 — беш намерали смартфонларнинг энг арзони **12-бет**

ОЗАРБАЙЖОН ва АРМАНИСТОН:

Тоғли Қорабоғ яна акс-садо берди **13-бет**

ПРЕЗИДЕНТ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВ НИМА УЧУН АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ БЎЙИЧА ЛОЙИҲАЛАРГА АЛОҲИДА АҲАМИЯТ ҚАРАТАДИ?



РАҚАМЛИ ТЕХНОЛОГИЯЛАР

РАҚАМЛИ ТЕХНОЛОГИЯЛАР тараққиётта элтувчи энг қисқа йўл



Бугун жамиятда рақамли технологияларнинг аҳамияти тобора ортмоқда. Уларнинг кенг жорий қилиниши ва рақамли иқтисодийetni ривожлантириш масалалари ҳозирги замонда ҳар бир давлат учун жиддий ҳаётий масалага айланган. Экспертлар фикрича, келгуси уч йилда иқтисодийetni рақамлаштириш орқали дунёдаги 22 фоиз иш ўрни ахборот технологиялари ёрдамида яратилади.

Президентимизнинг Олий Мажлисга Мурожаатномасида рақамли иқтисодийетга фаол ўтиш келгуси беш йилдаги энг устувор вазифалардан бири сифатида белгиланди. Шунингдек, жорий йилнинг Илм, маърифат ва рақамли иқтисодийetni ривожлантириш йили, деб эълон қилингани бежиз эмас.

Давлат дастурида белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш борасида Ўзбекистон Республикаси ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги олдида ўта муҳим ва долзарб вазифалар қўйилган. Мазкур йўналишдаги ишлар тўғрисида Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазири **ШУҲРАТ СОДИҚОВ** билан суҳбатлашдик.

ФАЗОДАГИ СУНЬЙ ЙЎЛДОШЛАРНИНГ ТАҚСИМОТИ

(2020 йил апрел)

1. АҚШ — 1 308та
2. Хитой — 356та
3. Миллатларара — 177та
4. Россия — 167
5. Буюк Британия — 130та
6. Япония — 78та
7. Хиндистон — 58та
8. Канада — 39та.



Манба: Statista

2 ХАРАКАТЛАР СТРАТЕГИЯСИ

Jumadan
Jumagacha

● **Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев** раислигида 8 июл кuni ўтказилган видеоселектор йиғилишида ҳудудларда тадбиркорликни ривожлантириш ҳамда бюджет тушумларини сўзсиз таъминлаш чора-тадбирлари муҳокама қилинди. Йиғилишида, шунингдек, камбағалликни камайтириш бўйича олиб борилаётган ишларга ҳам тўхтаб ўтилди. Давлатимиз раҳбари камида 257 минг нафар муҳтож оилалар вакиллари ишга жойлаштириш, 37 мингта хонадонга оилавий тадбиркорлик дастурлари доирасида кредитлар ажратиш зарурлигини қайд этди.

● **Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев** Черногория Республикаси Президенти Мило Жукановични миллий байрам – Давлатчилик кuni муносабати билан ҳамда Президент Эммануэл Макронни Франция миллий байрами – Бастилия ишғол этилган кun муносабати билан табриклади.

● **Президент Шавкат Мирзиёев** 15 июл кuni Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида пандемия билан боғлиқ вазият муҳокамасига бағишланган видеоселектор йиғилиши ўтказди. Республика махсус комиссиясига бу икки ҳудудда коронавирус тарқалишига қарши кураш ва аҳолини даволаш ишларига алоқадор барча вазирлик ва идоралар, йирик тиббиёт муассасалари раҳбарларидан иборат 24 соат ишлайдиган штаблар ташкил қилиш кўрсатмаси берилди. Тошкент шаҳри ва пойтахт вилоятидаги поликлиникалар ҳузуридаги мобил гуруҳлар сонини уч баробар кўпайтириш вазифаси юклатилди. Зангиота туманида яқинда иш бошлаган шифохонадаги жой сонини яна 1000 ўринга кўпайтириш топшириғи берилди. Тошкент шаҳар ҳокимлигига камида 3 ойлик дори-дармон ва химоя воситалари захирасини шакллантириш вазифаси қўйилди.


● 16 июл кuni Ўзбекистон Республикаси ташқи ишлар вазирлиги Абдулазиз Комиллов Венгрия ташқи иқтисодий алоқалар ва ташқи ишлар вазирлиги Петер Сийярто билан учрашди. Музокаралар чоғида сиёсий, савдо-иқтисодий, инвестиция, маданий-гуманитар ва бошқа соҳалардаги, шунингдек, халқро ва минтақавий ташкилотлар доирасидаги Ўзбекистон-Венгрия муносабатлари истиқболлари тўғрисида фикр алмашилди.

● **Жорий йилнинг 7-16 июл кунлари БМТнинг Барқарор ривожланиш мақсадларига эришиш бўйича миллий ихтиёрий ҳисоботи тақдирини эшитишга бағишланган форум** бўлиб ўтди. 15 июл кuni Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Раиси Танзила Норбаева мазкур форумда видеоконференцалоқа тизими орқали иштирок этди.

● Матбуотда Ўзбекистон Республикаси Президенти имзолаган “Сума Чакрабартини Ўзбекистон Республикасининг “Дўстлик” ордени билан мукофотлаш тўғрисида”ги фармон ҳамда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг “Ўзбекистон Республикаси Олий суди таркибига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида”ги қарори эълон қилинди.

ПРЕЗИДЕНТ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВ НИМА УЧУН АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ БЎЙИЧА ЛОЙИХАЛАРГА АЛОҲИДА АҲАМИЯТ ҚАРАТАДИ?

» 1



Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев раислигида 14 июл кuni ёшлар ва хотин-қизлар бандлигини ошириш, уларни даромад манбаи билан таъминлаш масалалари бўйича видеоселектор йиғилиши ўтказилди.

Ишсиз ёшлар муаммоси

Ярим йилдан буён бутун дунё кучайтирилган карантин шароитида яшамокда. Бу мураккаб даврда ҳамма давлатларда энг асосий муаммо аҳолининг эҳтиёжманд қатламларини қўллаб-қувватлаш, даромад билан таъминлаш бўлиб қолмоқда.

Ўзбекистонда ишсизларнинг 732 минг нафари ёшлар, 834 минг нафари хотин-қизлардир.

Йиғилишида давлатимиз раҳбари ёшлар ва хотин-қизларнинг муаммоларини ҳал этиш муҳимлигини таъкидлаб, бу борада алоҳида эътибор қаратиш зарур бўлган йўналишларни кўрсатиб ўтди.

Аввало, мактаб битирувчиларини ўқиш ва ишга жалб этиш масалалари муҳокама қилинди. Жорий йилда умумтаълим мактабларини 452 минг ўғил-қиз тамомлади. Уларнинг 70 минги олий таълим, 85 минги профессионал таълимга киради. 95 мингдан зиёди ишга жойлашган тақдирда ҳам, яна 200 мингга яқин ёшларнинг бандлигини таъминлаш зарурлиги таъкидланди.

Мактабданок касбга ўқитиш тизими жорий этилади

Навбатдаги ўқув йилидан бошлаб мактаб директори ва ўқитувчиларга ўқувчиларнинг олий таълимга кириши, касб эгаллаб, ўз ишини топшиши даражасига қараб оширилган иш ҳақи тўланади. Бунинг учун 7-синфдан бошлаб ўқувчиларнинг касблар кесимида қизиқиши аниқланади. 8-9-синф ўқувчилари дастурчи, дизайнер, таржимон каби истиқболли касблар учун пойдевор бўладиган билим ва кўникмаларни эгаллайди. 10-синфдан робототехника, дастурлаш каби талаб юқори касбларга ўргатиш йўлга қўйилади.

Жорий йил охиригача маҳаллаларда 136та касб-хунар ўқитиш маскани, қисқа мuddатли касб-хунарга ўқитиш курсларини ташкил этиб, 31та касб-хунарга ўқитиш марказларини жиҳозлаш бўйича топшириқ берилди. Бу мақсадлар учун Инқирозга қарши курашиш жамғармасидан Бандликка кўмаклашиш жамғармасига 200 миллиард сўм ажратиш, ўқув курсларини, аввало, камбағаллик энг юқори бўлган маҳаллаларда ташкил этиш кераклиги таъкидланди.

Меҳнат бозоридаги талаб ва...

Йиғилишида меҳнат бозоридаги бугунги талаб ва ёшларнинг уларга тайёрлиги масаласи ҳам таҳлил қилинди.

Жорий ўқув йилида 339та касб-хунар мактаблари, 212та коллеж, 175та техникумда 215 минг нафар ёшларнинг таълим олиши режалаштирилган. Лекин бу таълим масканларидаги йўналишлар на сон, на сифат бўйича талабга жавоб беради.

Мисол учун, мамакатимизда катта қўламда қурилишлар бўлаётган бугунги даврда йилига камида 50 минг нафар профессионал қурувчига эҳтиёж бор. Бироқ, қурилиш йўналишида 170та коллежда 13 минг мутахассис тайёрлаш режалаштирилган, холос.

Ёки ИТ-технологиялар бўйича “Бир миллион дастурчи” лойиҳаси бошланганига қарамай, касб-хунар мактаблари, коллеж ва техникумларга ушбу мутахассисликлар бўйича бор-йўғи 12 минг нафар ўқувчи қабул қилинади.

Давлат раҳбари бу каби камчиликларни кўрсатиб, меҳнат бозорида ишчи касбларга реал эҳтиёжни ҳар бир тармоқ ва соҳа кесимида аниқлаш, талаб юқори бўлган касблар бўйича хорижий мутахассисларни жалб қилган ҳолда ўқитиш дастури ишлаб чиқиш юзасидан кўрсатмалар берди.

Ишли бўлиш ва юқори даромад учун катта имконият

Маълумки, Президент Шавкат Мирзиёев мамакатимиз ҳудудларига сафарлари чоғида ИТ-Паркларни бориб кўради, ахборот технологиялари бўйича лойиҳаларга алоҳида аҳамият қаратади. Чунки бу соҳада ёшларни иш билан, юқори даромад билан таъминлаш учун катта имконият бор.

Видеоселектор йиғилишида ҳам бу масалага тўхталиб ўтилди. Ҳар бир туман ва шаҳар ёшлар ишлари бўлимлари ва олий ўқув юртлири қошида ахборот технологияларига ўқитиш марказлари ташкил этиш бўйича топшириқ берилди.

Жорий йилда 380 минг нафар ишсиз ёшнинг бандлигини таъминлаш бўйича шаҳар ва туманлар кесимида “манзилли режа”лар ишлаб чиқилиб, маҳаллий кенгашларда тасдиқланган эди. Натижада ўтган олти ойда 270 минг нафар йигит-қиз ишга жойлаштирилди.

Ёшлар учун яна бир муҳим янгилик. Тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш давлат жамғармаси қошида Венчур фонд ташкил этилиши белгиланди. Ушбу жамғармага дастлаб 1 миллион доллар йўналтирилди.

Шунингдек, стартап лойиҳалар танловини ташкил этиш орқали жорий йилда ҳар бир вилоятда камида 10та, келгуси йилдан бошлаб йилига камида 20та энг яхши стартап лойиҳаларга 50 миллиондан 200 миллион сўмгача грант ажратилади. Бундан ташқари, қудуқ қазиш, суғориш воситалари харид қилиш, иссиқхона ўрнатиш, уруғлик ва кўчатлар сотиб олиш учун ёшларга субсидиялар берилади.

Ёш тадбиркорларга ҳуқуқий, бухгалтерия, маркетинг, банк ва бошқа соҳалар бўйича консалтинг хизматлари харажатлари қопланади. Президент ушбу чора-тадбирлар бўйича мутаассадларга кўрсатмалар берди.

Аёлларнинг бизнес лойиҳалари ойма-ой молиялаштирилади

Видеоселектор йиғилишида хотин-қизларни иш билан таъминлаш, ижтимоий шароитларини яхшилаш масалаларига ҳам алоҳида эътибор қаратилди.

Ҳудудларда 20 мингга яқин аёл оғир турмуш шароитида яшаши, шундан кўплари профилактик ҳисобда туриши афсус билан қайд этилди.

Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлигига 33 минг 380 нафар аёлни ҳаётга мотивациялаш ва касбга ўргатиш бўйича қисқа ўқув курсларини ташкил қилиш вазифаси қўйилди.

Ҳар бир туман ва шаҳар кесимида аёллар бизнес лойиҳалари рўйхатини шакллантириб, ойма-ой молиялаштириш, хотин-қизлар тадбиркорлиги дастури доирасида соддалаштирилган кредитлар ва грантлар ажратиш бўйича топшириқлар берилди.

КОРОНАВИРУСГА ЧАЛИНГАНЛАР ВА УЛАРНИНГ ЯҚИНЛАРИНИ ТИББЫЙ АХБОРОТ БИЛАН ТАЪМИНЛОВЧИ 1105 РАҚАМИ ИШГА ТУШИРИЛДИ

COVID-19 kasalligidan davolanmayotganlarni tibbiy xizmat bilan ta'minlash va ular haqida ma'lumotni o'rganib turish

1105



Коронавирус касаллигидан даволанаётганларни тиббий хизмат билан таъминловчи ва улар ҳақида маълумотни ўрганиб турувчи 1105 рақамли call-маркази ташкил этилди.

Бугун жаҳон ҳамжамияти учун жиддий муаммога айланган коронавирус (COVID-19) пандемиясига қарши мамлакатимизда қатъий чора-тадбирлар кўрилмоқда.

Республикаимизда коронавирუსга қарши карантин чораларни амалга

ошириш доирасида Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги ҳамда Тошкент шаҳар ҳокимлиги томонидан COVID-19 касаллигидан даволанаётган ва уй шароитида карантинга олинган юртдошларимизни алоҳида тиббий ахборот билан таъминловчи, улар ҳақида маълумотни ўрганиб турувчи 24 соат мобайнида ишлайдиган 1105 рақамли call-маркази ташкил этилди.

Мазкур call-маркази уй ва шифохона шароитида COVID-19 касаллигидан даволанаётган ва уй карантинига олинган юртдошларимиз, уларнинг яқинлари ва оила аъзоларига тезкор ва аниқ ахборот кўмагини бериш ҳамда улар билан ахборот алмашишига қаратилган.

Абонентлар барча телефон алоқалари орқали мазкур рақамга муурожаат қилишлари ва керакли маълумотларни олишлари мумкин.

ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ВА АКТ

"АҚЛЛИ ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ" ДАВЛАТ ДАСТУРИ ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ

Агросаноат мажмуи ва қишлоқ хўжалигида рақамлаштириш тизимини ривожлантириш чора-тадбирлари белгиланмоқда. Вазирлар Маҳкамасининг бу борадаги тегишли қарори лойиҳаси муҳокамага кўйилди.

Ҳужжат лойиҳасига кўра, Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги "AGROSERVISINFO" корхонаси Агросаноат мажмуида ягона интеграцион платформа ахборот тизими юритилиши учун масъул ташкилот сифатида белгиланмоқда.

Шунингдек, 2021-2023 йилларда "Ақлли қишлоқ хўжалиги" технологияларини ривожлантириш давлат дастурига мувофиқ кўйидаги ишлар амалга ошириш кўзда тутилган:


■ Қишлоқ хўжалиги экинларини етиштиришда сувдан самарали фойдаланиш мақсадида smart технологияли лойиҳаларни амалга ошириш;

■ Агрокластерлар, фермер хўжалиқларига қулайлик яратиш мақсадида фермерлик, боғлар, иссиқхона йўналишларида мобил илова яратиш бўйича танловлар ўтказиш;


■ "Рақамли қишлоқ хўжалиги" ахборот тизимини яратиш;

■ Робототехника, учувчисиз учиб аппаратларидан фойдаланган ҳолда боғдорчилик маҳсулотлари етиштириш жараёнларини назорат қилиш тизимини жорий этиш;

■ Инсон иштирокисиз чорва моллари тури, зотини автоматик режимида етиштиришга мўлжалланган тўлиқ роботлаштирилган қишлоқ хўжалиги объектини ташкил қилиш ва бошқалар.



ВИРТУАЛ УЧРАШУВ



ФРАНЦИЯНИНГ "AIRBUS" КОМПАНИЯСИ БИЛАН ВИДЕОКОНФЕРЕНЦИЯ БЎЛИБ ЎТДИ

Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги, Давергеодезкадастр кўмитаси ва Франциянинг "Airbus" компанияси ўртасида космик суратлардан фойдаланиш, улар ёрдамида қишлоқ хўжалиги ва бошқа ер майдонларини мониторинг қилиш ҳамда космик суратларни қабул қиладиган виртуал станция ва Ерни масофадан туриб зондлаш маркази (EMT3 маркази) масаласида уч томонлама музокара бўлиб ўтди.

Тадбирда таъкидланганидек, рақамли технологияларнинг энг катта ютуғи — ташкилий, молиявий ва инсон харажатларни тежаш орқали иқтисодий самарадорликни кескин равишда ошириш имкониятидир. Шу ўринда рақамли технологиялардан турли соҳа ва тармоқларда кенг фойдаланса бўлади. Юртимиз учун энг долзарб бўлган шундай соҳалардан бири ер ресурсларидан унумли фойдаланиш масаласидир. Уч томонлама ўтказилган виртуал

учрашувда янги ташкил этиладиган Ерни масофадан туриб зондлаш маркази ва виртуал станциядан фойдаланишдаги қулайликлар, уларни яратишга кетадиган вақт, маблағ, техник қурилмалар ўртасидаги фарқ, қабул қилиб олинган космик суратларни қайта ишлаш ва ишлаб чиқаришга жорий қилиш бўйича Франциянинг "Airbus" компанияси тақдим қиладиган лойиҳалар билан танишиб чиқилди.

Шунингдек, бу йўналишда ишлайдиган мутахассисларни тайёрлаш, малякасини ошириш, кафолатли хизмат кўрсатиш масалаларида ҳам ўзаро фикр алмашилди.

Виртуал музокаралар давомида, "Airbus" компанияси вакиллари томонидан Ерни масофадан туриб зондлаш марказининг намунавий тақдимот файллари намойиш қилинди. Қолаверса, мазкур марказ лойиҳаси доирасида ташкил этиладиган ўқув режа ва хизмат кўрсатиш билан боғлиқ ташкилий тадбирлар хусусида батафсил маълумот берилди.

ЯНГИ ХИЗМАТ

КАРАНТИН ПАЙТИДА UZTELECOM АҲОЛИ УЧУН ЯНГИ ҚУЛАЙ ХИЗМАТНИ ТАҚДИМ ЭТМОҚДА

Бугун жаҳон ҳамжамияти учун жиддий муаммога айланган коронавирус пандемиясига қарши мамлакатимизда қатъий чора-тадбирлар кўрилмоқда.

Республикаимиз аҳолисини ушбу хавфдан ҳимоя қилиш, уни иқтисодиёт

тармоқларига бўлган салбий таъсирини юмшатиш бўйича Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги ва тизимдаги корхоналар томонидан қатор ишлар амалга оширилмоқда.

Карантин пайтида аҳолига қўшимча қулайлик яратиш мақсадида "Ўзбектелеком" АК ўз абонентлари учун янги "Ваъда қилинган тўлов" номли хиз-

мати жорий этди. Мазкур хизмат фойдаланувчиларга хизмат учун тўлаш имконияти вақтинча мавжуд бўлмаган тақдирда ҳам интернетга улашиш имконини беради.

Ушбу хизматни компания абонентлари шахсий кабинетдан ёки Uztelecom савдо ва хизмат кўрсатиш офисидан ойлик абонент тўловидан ошмаган миқдорга фаоллаштиришлари мумкин.



4 РАҚАМЛИ ТЕХНОЛОГИЯЛАР



Рақамли таракқиётта

яратиш бўйича ишлар амалга оширилмоқда.

Шу йил 28 апрел куни Президентимизнинг "Рақамли иқтисодиёт ва электрон ҳукуматни кенг жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори қабул қилинди. Унга кўра, 2023 йилга бориб рақамли иқтисодиётнинг мамлакат ялпи ички маҳсулотидаги улушини икки баробар ва ушбу соҳадаги хизматлар ҳажмини уч баробар ошириш ҳамда уларнинг экспортини 100 миллион АҚШ долларига етказиш назарда тутилган.

Шу билан бирга, 2020–2022 йилларда электрон ҳукумат, телекоммуникациялар, дастурий маҳсулотлар ва ахборот технологиялари технологик парки фаолиятини янада ривожлантириш, иқтисодиётнинг реал сектори тармоқларида ҳамда қишлоқ ва сув ҳўжалигида рақамли технологияларни кенг жорий этиш бўйича 268та лойиҳани амалга ошириш режалаштирилмоқда.

Мазкур вазибаларнинг бажарилиши юртимизнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишига сезиларли таъсир кўрсатади.

— **Мамлакатимиз учун долзарб соҳалардан бири бўлган қишлоқ ҳўжалигини рақамлаштириш жараёни қандай кечмоқда?**

— Ўзбекистонда ривожланиш учун катта аҳамиятга эга бўлган соҳаларда рақамли технологияларни кенг жорий этишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу рўйхатда аграр соҳа муҳим ўрин тутади. Шу боис, тармоқларни янги босқичга чиқаришга хизмат қилувчи 24та лойиҳани рўёбга чиқариш мўлжалланапти.

Айтиш керакки, қишлоқ ва сув ҳўжалиги тармоқларига рақамли технологияларни жорий этиш бўйича муаммолар, тезкор ҳал этиш зарур бўлган масалалар оз эмас. Ахборот технологиялари қишлоқ ҳўжалигида ерни ҳисобга олиш ва мониторинг қилишда жуда қўл келади. Масалан, ерни космик зондаш орқали экин майдонлари, вегетация жараёни, ернинг мелиоратив ҳолати ва минераллашув миқдорини ўрганиш мумкин. Бу агротехник тадбирларни аниқ белгилаб, ҳосилдорлиқни 25–30 фоизгача ошириш имконини беради.

Андижон вилоятидаги қишлоқ ҳўжалиги ерлари ҳамда уларда етиштирилаётган экинлар ҳолатини тезкор ва аниқ баҳолаш мақсадида сунъий йўлдош маълумотларидан фойдаланиш бўйича тажриба (пилот) лойиҳаси амалга оширилмоқда.

Лойиҳа доирасида вилоятдаги олтита майдон танлаб олиниб, вектор форматда "Монтерра" онлайн платформасига жойлаштирилади. Шунингдек, ер эгаларига сунъий йўлдош технологиялари ёрдамида экинлар ҳолати бўйича тегишли хулосалар берилади.

Мазкур лойиҳани амалга ошириш учун Андижон технопарки ҳузурида янги резидент ташкил этилади. Етти нафар малакали дастурчининг қишлоқ

ҳўжалиги бўйича малакаси оширилади.

Ташкил этилган корхона томонидан вилоятдаги барча экин майдонларининг таҳлилий маълумотлари шакллантирилиб, ер эгаларига тақдим этилади. Бундан ташқари, лойиҳа доирасида чет давлатларнинг ер майдонлари ҳақидаги тегишли хулосаларини шакллантирган ҳолда ушбу хизмат экспортини амалга ошириш имконияти туғилади.

— **Ахборот-коммуникация технологиялари изчил ривожланишининг муҳим омилларидан бири ҳам бозор иштирокчиларига муносиб шароитлар яратиш беришдир. Ҳозирги кунда АКТ соҳаси тадбиркорлари учун қандай имкониятлар яратилган?**

— Бугунги кунда соҳа мутахассисларига шароит яратиш, IT-тадбиркорликни, айниқса, АКТ соҳасида стартап лойиҳаларни ривожлантириш бўйича қўллаб-қўллагувчи амалга оширилмоқда.

Шу мақсадда Дастурий маҳсулотлар ва ахборот технологиялари технологик парки барпо этилди. Айни пайтда тўрт минг нафар мутахассис фаолият юритаётган 392та ташкилот IT-Паркиннинг резидентлари ҳисобланади.

Мазкур паркда зарур инфратузилма, шу жумладан, замонавий лабораториялар, коворкинг маркази ҳамда офис майдонлари мавжуд. Технопарк резидентларига молиявий, маркетинг, юридик ва бошқа консалтинг хизматлари кўрсатилади. Яна бир муҳим жиҳат шундаки, резидентлар учун молиявий имтиёзлар ҳам белгиланган.

Бундай муваффақиятли тажриба юртимизнинг бошқа ҳудудларида ҳам технопаркларни очишга туртки бўлди. 2020–2024 йилларда мамлакатимизнинг 14та ҳудудида, биринчи навбатда, Нукус, Бухоро, Наманган, Самарқанд, Гулистон ва Урганч шаҳарларида, шу жумладан, Тошкент шаҳридаги ал-Хоразмий номидаги ихтисослаштирилган мактаб ҳузурида IT-Парк ташкил қилинади.

IT-Паркиннинг ҳудудий филиалларини ташкил этиш бўйича жойлардаги маҳаллий ҳокимликлар билан қўшма қарорлар имзоланиб, ҳар бир лойиҳа бўйича бажариладиган вазибалар тармоқ жадваллари тасдиқланди.

Андижон ("Digital city" технопарки), Фаргона (IT-Парк Марғилон филиали) Сирдарё (IT-Парк Гулистон филиали) виллоятларида фойдаланишга топширилиб, Андижон филиалида 10та резидент ва Марғилон филиалида 7та резидент фаолият юритмоқда.

Шулардан бири 30 июн куни Сирдарё вилояти Гулистон шаҳрида Дастурий маҳсулотлар ва ахборот технологиялари технологик паркиннинг Гулистон филиали очилди.

Дастурий маҳсулотлар ва ахборот технологиялари технологик парки фаолиятини янада ривожлантириш бўйича зарур чора-тадбирларни амалга ошириш белгиланмоқда. Технопарк резидентлари томонидан жорий этилиши мумкин бўлган фаолият

“

Муҳим вазибалардан яна бири давлатимиз раҳбарининг "Тошкент шаҳрида рақамли технологияларни кенг жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори ижросини таъминлашдир. Қарорга асосан тасдиқланган "Рақамли Тошкент" комплекс дастурида таълим, соғлиқни сақлаш, транспорт, коммунал соҳаларга ахборот-коммуникация технологияларини жалб қилган ҳолда пойтахтимизнинг қиёфасини тўлиқ ижобий ўзгартириш кўзда тутилган.

»

— Рақамли иқтисодиёт, биринчи навбатда, коррупциядан холи ҳудудда ишлаш имкониятини яратади. У "хуфиёна иқтисодиёт"нинг асосий қушандисидир. Чунки рақамлар ҳамма нарсани муҳрайди, хотирада сақлайди. Керак пайтда маълумотларни тез тақдим этади. Бундай шароитда бирор маълумотни беркитиш, яширин битимлар тузиш, у ёки бу фаолият ҳақида тўлиқ ахборот бермасликнинг иложи қолмайди, — дейди Шухрат Содиков. — Бунинг натижасида эса иқтисодиётга йўналтирилган қонуний маблағлар жой-жойига сарфланади. Айниқса, солиқларнинг ўз вақтида тўғри ҳисобланиши ва тўланиши, бюджет тақсироти ошқоралиги, ижтимоий соҳага йўналтирилган маблағлар, мактаблар, шифохоналар, йўлларга ажратилган пуллар тўлиқ ўз манзилига мақсадли етиб боришига замин яратилади. Шу боис, рақамли технологияларни бизни таракқиётга элтadиган энг қисқа йўл, дея аташ бую оқилона ва одилона таъриф бўлади.

Охириги икки йил ичида Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирилик томонидан комплекс ишлар олиб борилди. Шу билан бирга, бугунги кунда вазирилик олдида Мурожаатномада акс этган муҳим вазибалар турибди.

Энг асосий вазифа "Рақамли Ўзбекистон – 2030" концепциясини амалиётга татбиқ этиш бўлиб, у ўз ичига барча соҳа ва тармоқларни қамраб олган. Бундай йирик лойиҳани амалга ошириш мамлакатимиз иқтисодиётининг тўлиқ ҳамда комплекс ўзгаришига, рақобатбардошлиқни таъминлашга хизмат қилади.

"Рақамли Тошкент" концепцияси "Хавфсиз шаҳар" йирик лойиҳаси билан бевосита боғлиқ. Мазкур лойиҳани 2019–2023 йилларда республикаимизнинг барча ҳудудида босқичма-босқич жорий этиш зарурлиги белгиланган. Биринчи босқичда Тошкент шаҳрида лойиҳанинг ягона технологик платформасини

ТЕХНОЛОГИЯЛАР

ЭЛТУВЧИ ЭНГ ҚИСҚА ЙЎЛ

турларини кенгайтириш, рақамли таълим марказларини худудларда кенг ташкил этиш, технопарк резидентларини жалб қилиш орқали иқтисодиёт тармоқларида ахборот технологияларини татбиқ қилиш шулар жумласига киради.

Шу нуқтаи назардан қараганда, маҳаллий дастурий маҳсулотларни ишлаб чиқарувчилар сонини кўпайтириш ва қўллаб-қувватлаш мақсадида давлат идораларига қиймати 1 миллиард сўмгача бўлган шартномаларни ИТ-Парк резидентлари ўртасида танлов асосида имзолаш ҳуқуқи берилгани истеъдодли ёшлар учун янги имкониятлар эшигини очади, уларни янги-янги соҳаларга руҳлантиради.

— Рақамли технологиялар аҳоли учун қандай афзалликларга эга? Фуқаролар учун қулай онлайн давлат хизматларини кўрсатиш бўйича қандай долзарб вазифаларни бажариш зарур?

— Аҳоли ва тадбиркорлик субъектларининг давлат органлари билан контактсиз алоқа шакллари янада ривожлантириш мақсадида Ягона интерактив давлат хизматлари портали ишлаб чиқилди (<https://my.gov.uz>). Бугунги кунда Ягона портал орқали 177тадан ортиқ электрон давлат хизмати тақдим этилмоқда.

Тадбиркорларнинг, шу жумладан, чет эл инвесторлари мурожаатлари билан ишлашни ташкил этиш сифати ва тезкорлигини ошириш, улар билан очиқ ва тўғридан-тўғри мулоқотни таъминлаш, уларнинг қонуний талабларини амалий ва самарали рўёбга чиқариш ва муаммолни масалаларини ҳал этиш мақсадида Бош вазирнинг тадбиркорлар мурожаатларини кўриб чиқиш виртуал қабулхонаси "business.gov.uz" портали ишга туширилди.

Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини барча манфаатдор вазирликлар, идоралар, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларига кўриб чиқиш, электрон рақамли имзодан фойдаланган ҳолда келишиш учун, шу жумладан, бир вақтнинг ўзига кенг жамоатчилик ва мутахассислар муҳокамасини ўтказиш ва тезкор жўнатиш учун вақтни ва меҳнат ресурсларини сезиларли даражада тежаш мақсадида Ягона электрон тизими "project.gov.uz" жорий этилди.

Бундан ташқари, Автомобил транспортда йўловчиларни ва юкларни ташиш хизмати учун лицензия бериш, Абитурентлардан ҳужжатларни онлайн қабул қилиш, Ипотека кредитига давлат субсидияси ва ўқиш жойидан маълумотнома олиш хизматлари ҳам яратилди.

Хукумат органлари ва аҳоли ўртасида самарали қайта мулоқот тизими ўрнатилиши энг ёрқин мисолларидан бири сифатида ишга тушган "Mening fikrim" жамоавий мурожаатлар порталини кўрсатиш мумкин. Ҳозирги кунда мазкур веб-порталга 3,6 мингдан ортиқ мурожаатнома келиб тушди, 25,2 мингдан ортиқ таклиф ва изоҳлар чоп этилди.

Ягона интерактив давлат хизматлари порталида 26та янги хизматлар ишга туширилиб, умумий хизматлар сони 200тадан ошади.

Йил бошидан бери 1,4 млн. та электрон хизматлар кўрсатилган бўлиб, ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 8,1 фоизга ошган.

Шу билан бирга, йил якунига қадар Ягона порталда жорий қилинадиган 50та оммабоп давлат хизматлари рўйхати тасдиқланди.

Уларга тўхталиб ўтадиган бўлсак, шифокор қабулига онлайн ёзилиш, янги туғилган гўдакни поликлиникага электрон рўйхатга қўйиш, кўчмас мулкни ижарага бериш шартномаларини рўйхатдан ўтказиш, архитектура-режалаштириш топширигини олиш, кадастр паспортини рўйхатдан ўтказиш, нафақа олиш учун мурожаат юбориш, ипотека кредитлари бўйича давлат субсидиясини олиш, фуқароларни Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида доимий рўйхатга олиш, иш стажини тасдиқлаш ҳақида архив маълумотномаси ва бошқа хизматлар жорий қилинади.

Электрон ҳукуматнинг идоралараро платформасида давлат органларининг 90га яқин ахборот тизимлари ва ресурсларининг ўзаро электрон ҳамкорлигини таъминлаш йўлга қўйилиб, 160 млн.дан ортиқ сўровларга онлайн шаклда маълумотлар берилган.

Давлатимиз раҳбари ҳузурда шу йил 8 июн кунини ахборот технологиялари ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш борасидаги ислохотлар ижроси бўйича ўтказилган тақдиротда энг зарур бўлган давлат хизматларини тезкор равишда электрон шаклга ўтказиш муҳимлиги таъкидланди.

Бугунги кунда рақамли иқтисодиёт, "Электрон ҳукумат" хизматларига талаб кундан кунга ортмоқда. Лекин ҳозир 780 турдаги давлат хизматидан бор-йўғи 185 тасидан "электрон портал" орқали фойдаланиш имкони мавжуд. Аксарият ташкилотларда иш жараёнини рақамлаштириш фақат ҳужжат алмашинувини электронлаштириш билан чекланмоқда. Бу борада электрон ҳукуматни янада ривожлантириш, фуқаролар учун замонавий қулай давлат хизматларини кўрсатиш алоҳида аҳамиятга эга. Бу жараёни жадаллаштириш мақсадида энг муҳим йўналиш ва долзарб масалаларни қамраб олган 104та лойиҳани амалга ошириш режалаштирилган.

Масалан, соғлиқни сақлаш тизимида "Ягона электрон тиббий карта" ахборот тизимининг жорий этилиши юртимиз фуқаролари тўғрисида ягона тиббий маълумотлар базасини шакллантиришга, аҳолининг саломатлигини мониторингини ўтказишда ёрдам беради.

"Электрон рецепт" ахборот тизими эса беморларнинг медикаментоз воситалар билан самарали ва хавфсиз даволанишини ташкил этиш, шифокорларнинг электрон реестрини шакллантиришга йўналтирилган лойиҳадир. Бу эса, ўз навбатида, тиббий воситаларни

назорат қилиш ва мониторинг олиб бориш тизимини такомиллаштиришга кўмак беради.

Тиббиёт муассасаларида замонавий компьютерлаштирилган тизимни яратиш орқали тиббий хизматлар сифатини ошириш мақсадида "Электрон поликлиника" ва "Электрон шифохона" ахборот тизимларини жорий этиш ҳам кўзда тутилган.

— Ўзбекистон аҳолисининг 60 фоизи ёшлар бўлиб, уларни замонавий ахборот технологияларига кенг жалб қилиш, дастурий маҳсулот яратиш ва аутсорсинг хизматларини кўрсатишга кўмаклашиш орқали иш билан таъминлаш муҳим вазифалардан ҳисобланади. Бу борада АКТ соҳаси учун кадрлар тайёрлашда қандай чоралар қўрилмоқда?

— 2019 йил декабр ойида Мухаммад ал-Хоразмий номидаги АКТ йўналишига оид фанларни чуқурлаштириб ўқитишга ихтисослашган мактабнинг замонавий биноси фойдаланишга топширилди. Айни пайтда математика ва хоржий тиллар бўйича имтиҳонларни муваффақиятли топширган 680 нафар ўғил-қиз ушбу мактабнинг 5-11 синфида таълим олмақда.

Мухаммад ал-Хоразмий номидаги Тошкент ахборот технологиялари университети таълим соҳасида ҳам катта ижобий ўзгаришлар рўй берди. 2018/2019 ўқув йилидан бошлаб университет замонавий таълимнинг кредит тизимига ўтказилди ва ҳозирги кунда бу тизимда 9609 нафар талаба таълим олмақда. Университет тузилмасида Ўзбек-Беларус кўшма факултети ҳам ташкил этилди.

2019 йил октябр ойида университетда Япония халқро ҳамкорлик ташкилотининг (JICA) 1,6 миллион доллар миқдоридидаги техник гранти ҳисобига замонавий ўқув медиа маркази очилди.

Мазкур давр мобайнида халқро алоқаларни ривожлантириш йўлида Тошкент шаҳридаги ИНҲА университети ҳам самарали иш олиб борди. 2019 йил март ойида университетда Ўзбекистонда бизнес таҳлилчиларни тайёрлаш биринчи "ASPEX BI SCHOOL" мактаби очилди.

Ёшлар ўртасида ИТ-асосларини кенг ўқитиш, уларнинг ушбу йўналишда таълим олишлари учун зарур шароитлар яратишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Вазирлик томонидан "Беш ташаббус" дастури доирасида аҳоли ва ёшларнинг компьютер технологиялари ва интернетдан самарали фойдаланишларини ташкил қилиш бўйича ишлар амалга оширилди.

Рақамли технологиялар ўқув маркази ташкил этилиб, янги иш ўринлари яратилди. Бундан ташқари, Тошкент шаҳридаги Амудан университети ташкил этилди.

Ҳаҳон тажрибаси кўрсатмоқдаки, ахборот технологиялари соҳасидаги юсак мақсадларга замонавий дастурчилар тайёрлаш жараёнини жадаллашти-

риш орқали эришиш мумкин. Шунинг учун мавжуд бўшлиқни тўлдириш мақсадида "Бир миллион дастурчи" лойиҳаси ишга туширилган.

Бугунги кунда "Бир миллион дастурчи" лойиҳаси доирасида машғулотлар uzbekcoders.uz ўқув портали орқали олиб борилмоқда. Унда талаб энг юқори туртта мутахассислик бўйича бепул видеокурслар, жумладан, маълумотларни таҳлил қилиш, андроид иловалар, веб-иловалар ва дастурий таъминотларни ишлаб чиқиш бўйича дарслар ўзбек тилида субтитрлар билан тақдим этилган.

Кенг жамоатчиликни рақамли билимларни ўзлаштириш ва ахборот технологиялари соҳасидаги янги мутахассисликларни ўрганишга жалб қилиш мақсадида вазирлигимиз томонидан "Бир миллион дастурчи" лойиҳасида ёшлар иштирокини кенгайтириш бўйича ишлар олиб борилмоқда.

Жумладан, uzbekcoders.uz портали орқали 2020/2021 ўқув йилида 2,1 мингдан ортиқ мактабнинг 47 мингдан зиёд ўқувчисини, 44та олий таълим муассасасининг 54 мингдан ортиқ талабасини ўқитиш режалаштирилган.

Шунингдек, 2020/2021 ўқув йилидан бошлаб олий ва ўрта махсус таълим муассасаларида тегишли йўналишларнинг мутахассислик фанлари ҳамда умумтаълим мактабларининг информатика фани дастурларига "Бир миллион дастурчи" лойиҳаси доирасидаги дастурлаш йўналишлари мавзуларини қириштириш бўйича ишлар олиб борилмоқда.

Шу мақсадда юртимиз бўйлаб аҳоли ва ёшлар учун рақамли технология ўқув марказлари ташкил қилинган. Ахборот технологиялари ва коммуникацияларни ривожлантириш вазирлиги томонидан барча худудларда рақамли технологиялар бўйича камда 100та ўқув марказини очиш режалаштирилмоқда.

Мухим янгилıklarдан яна бири, энди Ахборот технологиялари ва коммуникацияларни ривожлантириш вазирлиги тизимидаги ИТ-Паркнинг туманлардаги филиаллари томонидан ҳар бир туман ва шаҳарда ахборот-коммуникация технологияларини чуқурлаштириб ўқитишга ихтисослаштирилган мактаблар ташкил этилади. Мамлакатимиздаги 200дан ортиқ шаҳар ва туманда биттадан мактаб танлаб олинди, ахборот-коммуникация технологиялари соҳасига ихтисослаштирилди.

Ушбу мактаблар туман ва шаҳарлардаги бошқа мактаблар учун ахборот-коммуникация технологиялари соҳасида таянч база вазифасини ўтайди. Информатика ўқитувчиларининг малакасини ошириш, ҳамкорликда янги лойиҳалар устида иш боришни йўлга қўяди.

Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, бу каби йирик лойиҳаларга старт берилгани Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йилида рақамли технологияларнинг ҳаётимиздаги ўрни ва ролини, уларнинг юртимиз бўйлаб қамровини жадал сурьтада оширади.

Тизим мунтазам ривожланипти, комплекс лойиҳалар амалиётга жорий этилмоқда.

Рисолат МАДИЕВА,
журналист

IT-ЦЕНТРЫ ПОДПИСАЛИ МЕМОРАНДУМ О СОТРУДНИЧЕСТВЕ С КИБЕРСПОРТИВНОЙ КОМАНДОЙ ARCRED

Директор IT-Центров, Нодир Алибеков совместно с Директором киберспортивной команды ARCRED, Дониером Джураевым провели встречу, в ходе которой между IT-Центрами и ARCRED был подписан меморандум о сотрудничестве.

Данный меморандум был подписан благодаря обоюдной заинтересованности в развитии сферы информационных технологий, а также подготовки специалистов в области компьютерного спорта (киберспорт) в Узбекистане, основываясь на принципах уважения и доверия.

В рамках подписанного меморандума, стороны будут сотрудничать по следующим направлениям:

- установление прямых партнерских отношений между Сторонами;
- сотрудничество и консультирование друг друга по вопросам, представляющим взаимный интерес;
- возможность использования помещений, техники и оборудования Сторонами в целях достижения поставленных задач;
- совместные проекты с привлечением спонсоров;
- проведение совместных мероприятий в области компьютерного спорта (киберспорта) (обучение, обмен опытом, соревнования, турниры и др.);
- другие направления по взаимной договоренности.



ОНЛАЙН-КАССА

ПОЧТИ ПОЛОВИНА УСТАНОВЛЕННЫХ ОНЛАЙН-КАСС ОКАЗАЛИСЬ НЕИСПОЛЬЗУЕМЫМИ

Количество жалоб резко возросло после анонса призовой чековой игры в Ташкенте.

В настоящее время зарегистрировано 29,6 тыс. пользователей онлайн-ККМ или виртуальных касс, сообщили в пресс-службе Государственного налогового комитета.

«К сожалению, сегодня встречаются случаи, когда предприниматели устанавливают онлайн ККМ, но не применяют их», — говорится в сообщении.

В результате изучения выявлено: около 46% установленных онлайн-ККМ не используются, что стало причиной жалоб потребителей. Количество обращений резко возросло после анонса призовой чековой игры в Ташкенте.

В комитете отметили, что договорились с пред-



приятями-производителями касс по организации учебных мероприятий. Помимо этого, информацию о смарт-приложениях и их применении можно получить через центры технического обслуживания каждого производителя.

Чековые призовые игры

Налоговый комитет запустил их в начале июля. Каждый месяц будет разыгрываться по два автомобиля Nexia.

Для того, чтобы принять участие, в приложении Soliq в разделе «геолокация» можно найти все торговые точки, в которых имеются онлайн-ККМ и виртуальные кассы.

Онлайн-кассово-контрольные машины и виртуальные кассы выдают чеки, в которых помимо информации о купленном товаре (название, цена, ставка НДС) содержится уникальный QR-код и фискальный знак.

Чтобы стать участником розыгрыша, нужно отсканировать QR-код на чеке при помощи приложения Soliq и внести данные о покупателе (фамилию и имя). Также зарегистрировать чек можно, отправив в виде SMS на номер 1077 фискальный модуль, состоящий из 12 цифр.

ЭЛЕКТРОМОБИЛИ

ПЕРВЫЕ ЗАПРАВКИ ДЛЯ ЭЛЕКТРОМОБИЛЕЙ В ТАШКЕНТЕ ЗАПЛАНИРОВАЛИ НА 2021 ГОД

Президент Шавкат Мирзиёев подписал постановление «О дополнительных мерах по сокращению зависимости отраслей экономики от топливно-энергетической продукции путем повышения энергоэффективности экономики и задействования имеющихся ресурсов».

Документом утверждается «Дорожная карта» с перечнем конкретных мер, среди которых создание инфраструктуры для электромобилей. На сентябрь этого года запланирована подготовка аналитического материала на основании изучения иностранного опыта.

После этого изучат потенциальные места, после чего в январе 2021 года в Ташкенте установят первые две скоростные зарядные системы по стандарту МЭК 61851-1-Mode 4 (система токопроводящей зарядки электромобилей). Ожидается, что это будет сделано за счет собственных средств «Узбекнефтегаза».

С января 2019 года на ввоз электромобилей (код ТН ВЭД 870380) установлена нулевая ставка таможенной пошлины, а с июля 2019 года отменен акцизный налог. Таким образом, при ввозе электрокара в Узбекистан достаточно заплатить НДС и сборы (в дорожный фонд и за таможенное оформление).



Xiaomi представила самые бюджетные смартфоны Redmi — Redmi 9, Redmi 9C и Redmi 9A.

Смартфоны отличаются большими аккумуляторами — 5000 мАч у всех трёх моделей. У первых двух моделей камера многомодульная. У Redmi 9 — четверная (13 Мп, 8 Мп, 5 Мп и 2 Мп), а у Redmi 9C — тройная (13 Мп, 2 Мп и 2 Мп).

Наиболее доступный из них — Redmi 9A — стоит всего 99 евро. Redmi 9C оценён в 119 евро, а Redmi 9 — в 149 либо 169 евро.

Корейская компания Samsung через 8–10 лет ожидает появление шестого поколения мобильной связи.

В компании отмечают, что на разработку 3G мировым специалистам потребовалось 15 лет. Стандарт 5G был разработан и утвержден за 8 лет, и приблизительно за такой же период времени будет создано и шестое поколение мобильной связи.

В целом в компании отмечают, что 5G сейчас находится на начальной стадии, но это не мешает вести разработку 6G и дорабатывать 5G.

Шестое поколение связи будет работать на пиковой скорости 1000 Гбит/с с задержкой менее 100 микросекунд.

Учёные впервые определили полную последовательность X-хромосомы человека и создали её виртуальную копию. О достижении рассказали исследователи из Национального института исследования генома человека в США.

Учёные говорят, что достижение начинает новую эру в исследованиях в области геномики. Возможность создавать полные последовательности хромосом и геномов поможет людям улучшить медицину.

Расшифровка хромосомы стала возможной благодаря новым технологиям секвенирования с использованием нанопор. Точность считывания в итоге достигла 99,995%.

Аналитики из компании Strategy Analytics подсчитали, что время использования приложений за год выросло на 20 минут в день или более чем на шесть часов в месяц. Похоже, что на рост повлияла пандемия коронавирусной инфекции.

В новый отчёт Strategy Analytics включены данные по американскому рынку за второй квартал 2020 года. Не исключено, что подобная динамика наблюдается на других рынках.

В основном прирост обеспечили приложения браузеров и соцсетей, в частности Facebook и TikTok (+21%). Однако на первом месте по затратам времени всё же находятся мобильные игры. Что касается приложения YouTube, то в нём пользователи наоборот стали проводить меньше времени — на 12%. Всё потому, что люди сидят дома и смотрят ролики с больших экранов.

ЁШИНГИЗНИ УЗАЙТИРМОҚЧИМИСИЗ?

шифокорлар маслаҳатларига қулоқ тутинг



“Ўзбектелеком” АК Фаргона филиали ишчи-ходимлари интиқлик билан кутадиган “Саломатлик сирлари” учрашув-мулоқотлар, маънавий-маърифий тадбирлар ҳам пандемия туфайли тўхтаб қолди. Отабек Тўйчиев, Раънохон Ибрагимова, Райхона Солиева, Сарварбек Мамадалиев каби мутахасссларнинг илтимосига кўра, вилоят кўп тармоқли болалар шифохонасининг ҳарбий хизматга қақрилувчи ёшларни тиббий кўриқдан ўтказиш бўлими эндоскопист ҳакими Музаффар Абдуллаевни суҳбатга тортдик. Музаффар Муҳаммаджонович салкам 38 йил мобайнида жарроҳлик, реанимация, терапия бўлимларида ишлаган.

Сўнгги йилларда вилоят ҳокимлиги ҳамда фахрийлар поликлиникаларида ҳам хизмат қилиб келган.

Кўплаб беморларга қайта ҳаёт тўхфа этган, кўпларни ножиоз операциялардан сақлаб қолиб, ўзи даволаб оёққа кўйган Музаффар Абдуллаевга мутахасссларимизни қизиқтирган саволлар билан мувожаат қилдик.

– Пандемия даврида ёшларга қандай маслаҳатлар беряпсиз?

– Бу саволга жавоблар оммавий ахборот воситаларида мунтазам равишда тўлақонли ёритилмоқда. Шунинг учун менинг жавобим қисқа бўлади. Азиз ҳамюртлар, карантин қоидаларига қатъий риоя этинг,

уйда бўлинг, бу синовли кунлардан фойдаланиб қолинг, деган бўлардим. Хато эшитмадингиз ҳа, ҳа фойдаланиб қолинг. Уйга қамалганча ваҳимага берилишдан, қўл қовуштириб ўтиришдан мутлақо наф йўқ. Стресслар ковиддан юз қарра хавфлироқ ишонаверинг. Чунки касалликларнинг 99 фоизи асаб билан боғлиқ. Ёшлар, зиёлилар, вақтинча уйда қолдингизми, унда, бу дамларни билим-қўникмаларингизни бойитишга, фарзандларга меҳр-муҳаббатни ўн чандон ошириб, тарбия қилишга берилган катта имкон, ота-онага эҳтиромни яна ва янада зиёда қилиш учун гўзал фурсат деб билинг.

– Музаффаржон, жамоамизга гайрат-шижоати, биллим савияси ҳавас қиларли даражада кучли бўлган ёшлар келиб қўшилмоқда. Лекин улар умр йўлдоши танлашда катталарнинг маслаҳатларига муҳтож эканликларини тан олишади. Баъзилар келин ахтаришмоқда. Уларга сиз ҳақим сифатида қандай йўл-йўриқлар бера оласиз?

– Бу жуда жиддий савол бўлди. Ҳақим ва қолаверса иссиқ-совуқни кўрган одам сифатида жавоб беришга ҳаракат қиламан. Умр савдоси, шундай жиддийки, инсон роса синаб уйланмаса, бир умрлик азобда қолиши, қалбан мажруҳликда яшашга ўзини маҳқум этиши ҳеч гапмас. Тиббиётда шундай фикр юради. Бу қанчалар тўғри ёки нотўғри билмадим. Қизлар ўзларига қолса, инстинктив равишда соғлом йигитларни танлашар экан. Йигитларда эса баъзи тиббиёт олимлари айтишича, бу савки табиий туйғу у қадар кучли эмас экан. Мухтасар айтганда, ҳам жисмонан,

ҳам ақлан соғломини, ўзингизнинг кенг дунёқарашингизга, интеллектингиз даражасига тўғри келадиганини танланг. Оилада эр олий маълумотли бўлса, бир одам олий маълумотли бўлади. Аёл олий маълумотли бўлса, авлодлар олий маълумотли бўлади. Буни унутманг. Яна бир гап. Чуқур тиббий кўриқдан ўтишдан ташқари, халқ тили билан айтганда, йигит билан қизнинг юлдузи юлдузига тўғри келиши керак. Буни ҳам инobatга олинг. Шошилиб уйланган қанча йигитларнинг оғзи куйиб қолаётганини ҳам кўряпмиз. Оиласи намунали, қиз одобли дея бир ҳафтада тўй бошлаб юбораётганларнинг турмуши бир йилга бормай бузилиб кетаётганига гувоҳ бўляпмиз. Бир мисол. Логон қишлоғида содир бўлган бу фожиага бир неча йил бўлиб қолди. Қизимиз йигирмадан ўтиб қолди, бoshдан ошириб ола қолайлик деб, руҳий касал болага қизини назр қилиб берган оила “олижаноблиги” оқибатида жигарбандидан жуда бўлган эди. Кувё бўлмиш чилла ичидаяқ келинчаки оёқ-қўлини боғлаб “Сени кўйдек сўйиб ташлайман” деган ва... Бу айтиб адо қилиб бўлмайдиган мусибат. Эслаш, тилга олишнинг ўзи даҳшат! Бироқ унутишга ҳам ҳаққимиз йўқ.

Яна бир мисол. Олий маълумотли йигитни мактабни энди тугаллаган қизга уйлантиришди. Бир йил давомида ўзини жуда одобли тутган келин ўзгариб қолади. Ўғил фарзанд туғдими, дегандек турфа “хунар”лар кўпайгандан кўпаяди. Келиннинг эркалиги, агар буни эркалик деб бўлса, ҳаддан ошиб кетади. Бир гал дугонанинг тўйига бораман, деб туриб олади. Турмуш ўртоғининг “Ҳали олти ойлик бўлмаган бола билан ким тўйга боради? Қорни огримаётган бўлса ҳам бошқа гап эди” деганда жазавага тушганча, болани машина остига ташлайман, деб кўчага отилади. Ортидан югуриб чиқса, елдек учиб келаётган энгил машина остига жигарбандини ташламоққа чоғланиб турибди-да! Жонҳолатда болани кўлидан тортиб олади. Тантиқ келиннинг бу савфарги “хунари” сабр косасига томган сўнгги томчи бўлиб тушган оила завол топган. Шундай экан, бир умрлик жуфти ҳалол танлашда шошма-шошарлик қилманг; етти ўйлаб бир кесинг. Уламолар сўзига амал қилиб эрга “либос” бўлаоладиган

қизни танланг, деган бўлардим. Бу муаммолар тўлиб тошган мавзу. У ҳақда узоқ гапириш мумкин. Йигитларни ҳам, қизларни ҳам

Тамаки маҳсулотларини чекишдан (бир кунда 10-15та сигарет чекилса) ер юзиде ҳар йили 6 млн. одам ҳаётдан кўз юмади. Алкоголли ичимликларга ружу қўйишдан ўлим 4 фоизни, семизликдан ҳар йили 3,4 млн. одам ўлади.

оилавий ҳаётга тайёрлаш масаласига бармоқ остидан қаралаётими, ажралишлар қамаймайди.

– Баъзилар учун пенсия ёшига етиш ҳаёт тамом бўлди, дегандек...

– Нима демоқчилигингизни тушундим. Тўғри айтасиз, айримларда бу жараён жуда оғриқли кечади. Яна қолиб ишлашга қурби етганлар ишлашяпти. Бироқ ишни давом эттиришга хоши бўлгани ҳолда саломатлиги йўл бермаётганлари ҳам бор. Шу учун ҳам биз, шифокорлар кексаликка ёшлиқдан ҳозирлан деймиз. Хўш, қандай қилиб? Аввало, катта ёшдагиларни ҳурмат қилиш билан бирга уларни кузатиб бориш керак. Қайси иши маъқул, қайси иши номаъқул, қайси иши ярашади, қайси иши йўқ — хулоса чиқариб бормоқ даркор. Соғлом турмуш тарзи маданиятидан, геронтология соҳасидаги ангилликлардан ҳам қариб қолгунча кутмай, бохабар бўлиб бориш даркор. Ёши улуглар юракнинг ишемик етишмовчилиги, остеопоз, ўсмалар, эндокрин патологияси, иммунитетнинг тушиб кетиши каби қатор касалликларга чалинувчан бўлиб қолишади. Шовуллаб оқаётган дарё торайиб бамисоли жилдираб оқаётган жилгага айланади! Бу асосан соғлом турмуш тарзига, тўғри овқатланиш кўрсатмаларига риоя қилмаслик, зарарли одатлар оқибати ёки наслий хусусиятларга кўра рўй беради. Тамаки маҳсулотларини чекишдан (бир кунда 10-15та сигарет чекилса) ер юзиде ҳар йили 6 млн. одам ҳаётдан кўз юмади. Алкоголли ичимликларга ружу қўйишдан ўлим 4 фоизни, семизликдан ҳар йили 3,4 млн.

одам ўлади. Ана шундай бефарқлик туфайли одам ўз ҳаётига зомин бўлади. Инсон ўз умрини қамайтиришга эмас, узайтириши фарз қилиб қўйилган. Ёдда тутайликки, улуг ёшдаги донолик, бебаҳо тажриба ёшлар шижоатиға қанот бағишлайди. Улар нафақат болаларига, балки жамиятимиз ривожига жуда ҳам зарур. Хуллас, тан оламыз, биз одамларни яшартириб қўяолмаймиз. Бироқ қариликни кечиктири олишга қодирмиз. Янаям аниқроғи, ёшлигингизни авайлабгина узайтиришга қобилсиз, азизлар.

– Демак, яшариш имконсиз.

– Ҳозирча шундай. Лекин беморларимизни фаол яшашга қайтаришга қурбимиз етади. Бизнинг тавсияларимизга қулоқ тутганларда касалликлар энгил кечиб, умрларига умр қўшилмоқда. Айниқса, кексаликда модда алмашувичун нафли бўлган таомлар, мева-чевалар, сабзавотлару зирavorларни ҳамда даволовчи шифокор буюрган витаминларни истеъмол қилиш керак. Фарғона шаҳрида икки нафар Умароваларни, Исломова, Бўрибекова каби онахонларни танийман. Улар саксон, тўқсон ёшларда. Ана шу табаррук моможонларимизни ёшлик даврларидан қариликка тайёргарлик кўрган закий инсонлар деб атасак арийдим. Улар ўзларига муносиб неварачевараларни тарбия қилиб, мана роҳатини кўришмоқда.

– Оилавий поликлиникаларда 40 ёшдан кейин ҳар йили тиббий кўриқдан ўтиб туринг, деб тайинлашади. Шу қанчалар тўғри?

– Жуда тўғри. Бироқ тиббиёт соҳаси олимлари организм ўсишдан тўхтаган 25 ёшдан бошлаб ҳар йили бир марта тиббий кўриқдан ўтиб туриш тақлифини илгари сурмоқдалар. Яъники, “Саломатлик паспорти” очиб, тиббий кўрик натижаларини: вазни, ёғни, артериал босимни, холестерин, липопротеид, триглицерид, глюкоза миқдорлари қайд этиб боришни кўзда тутати. Ва инсон ана шу натижаларини иложи борича сақлаб қолишга интилиши умрни узайтиришда муҳим омил бўлиши шак-шубҳасиздир.

– Ахборот технологиялари соҳаси ишчи-ходимларига, қолаверса, “Xabar” газетаси ўқувчиларига тилақларингиз?

– Қисқа ва лўнда қилиб баён эта қолай. Буюк алломаларимиздан ошириб бир нарса дейиш қийин: Кам энглар, кам ухланглар, кам гапиринглар. Доимо эсда тутингларки, саломатликларингиз – ўз қўлингизда. Бу тенгсиз бойликни навқиронликдан асранглар.

**“Xabar”нинг Фарғона вилоятидаги мухбири
Ҳафиза САЛҲОВА
суҳбатлашди**

8 ПАНДЕМИЯ

"ЯХШИ ВА ЁМОН":

ПАНДЕМИЯДАН КЕЙИНГИ ДУНЁ УЧУН ИККИ СЦЕНАРИЙ

"Aftonbladet"да БМТ раҳбари Антониу Гутерришнинг мақоласи чоп этилди. Бош котиб дунё пандемиядан фақат икки йўл билан чиқиши мумкинлигини таъкидлади.

Гутерриш, келажакни олдиндан кўриб бўлмаслигига ишора қилган ҳолда, пандемиядан кейинги дунё қандай бўлиши икки хил сценарий ривожланишига боғлиқлигини айтди: яхши ва ёмон.

"ЯХШИ СЦЕНАРИЙ"

Мамлакатлар ҳозирги вазиятдан чиқиб кета олишни удаллаши, тикланиш бўйича муваффақиятли режа ишлаб чиқиши, ривожланётган мамлакатларга етарлича ёрдам берилиши жараён "яхши сценарий" бўйича кетаётганини англатади.

Айни шу йўналишда кетилса яқин тўққиз ой ичида коронавирусга қарши самарали ва ҳаммабоп вакцина ишлаб чиқишида кўл келган бўларди, деди Бош котиб.

"Шундай бўлган тақдирда ва иқтисодиёт мунтазам тикланиб бораверса, биз керакли йўналишда ҳаракатланиши бошлаймиз, яқин икки-уч йил ичида олдингидек ҳолатга қайтишимизга ишонаск бўлади", — деди Гутерриш.

Бироқ, иккинчи — "ёмон сценарий" ҳам бор.



"ЁМОН СЦЕНАРИЙ"

Мамлакатлар эпидемияга қарши бирлашмаслиги, вируснинг янги-янги ўчоқлари пайдо бўлавериши, вакцина чиқиши кечикиб кетиши ёки уни фақат "бой" мамлакатлар олиши — "ёмон сценарий".

"Бу йўсинда кетилса сегрегация (айирмачилик), популизм ва ксенофобия (бетоқатлик) ўсишига гувоҳ бўламиз. Ҳар бир мамлакат ўз йўлидан кетади ёки айрим мақсадлар йўлида коалицияларга бўлиниб олади", — деди Бош котиб.

Гутерриш умидсиз сценарий ортидан беш-етти йилга чўзилувчи

глобал инқирозни кўрмоқда.

Энг қийини, дунё қаёққа кетаётганини ҳозир тушуниш мушкул. Аммо биринчи сценарий амалга ошиши учун бор имкониятни ишга солиши керак, иккинчи сценарийга тадориқни ҳам унутмаслик зарур, дейди Гутерриш.

Халқаро меҳнат ташкилоти бош директори Гай Райдер маълумот беришича, 2020 йил ўртасига келиб, коронавирус оқибатида жаҳонда 400 млн. киши ишсиз қолган — бу 2008 йилги иқтисодий инқироз давридагидан ўнлаб қара кўпдир. Ташкилот саммитида айни шу муаммога ечим қидирилди.



КОРОНАВИРУС ХАВФИНИ ПАСАЙТИРУВЧИ МАҲСУЛОТ АНИҚЛАНДИ

Франциянинг Монпеле университети тадқиқотчилар гуруҳи коронавируснинг хавфини камайтирувчи маҳсулотни аниқлашди.

Тадқиқот муаллифларининг маълумотларига кўра, бу маҳсулот оддий қарам ҳисобланади. Олимлар коронавирусдан ўлим даражаси паст бўлган мамлакатларда қарамнинг ҳар хил турлари кўп истеъмол қилинишини аниқлашди. Масалан, Германия ва Жанубий Кореяда COVID-19 беморлари орасида ўлим кўрсаткичи жуда паст, — деб ёзади "The Sun".

Таъкидланишича, қарам таркибида коронавируснинг оғир кечилишига тўқсинлик қиладиган моддалар мавжуд. Оддий мисол, тузланган қарам таркибидаги антиоксидантлар организмнинг патогенларга қарши ҳимоясини кучайтиради.

Авалларок испаниялик диетолог Алехандро Кановас ва Испания пульмонология ва торакал хирургия (SEPAR) жамияти раҳбари Эусеби Чинер ўлкани коронавирусдан ҳимоя қилишга ёрдам берадиган маҳсулотларни санаб ўтишганди. Кановаснинг сўзларига кўра, тухум, гуруч, балиқ, ёнғоқ нафас тизимини мустаҳкамлашга ёрдам беради. Чинер эса буни ўпка ҳолати ёмонлашганда организмнинг оқсилга эҳтиёжи ортishi билан изоҳлаган. Хусусан, тухум таркибида А витамини каби ёғда эрийдиган дармондорилар, шунингдек, сифатли оқсиллар бор.

КОРОНАВИРУС ВАКЦИНАСИ СИНОВДАН ЎТКАЗИЛМОҚДА, ЛЕКИН...

Исроиллик иммунолог, профессор Яков Беркун тўлиқ синовдан ўтгунга қадар COVID-19 вакцинасини ишлаб чиқариш хавфи эканлигидан огоҳлантирди. Унинг сўзларига кўра, ишлаб чиқарувчиларнинг шовма-шоварлигини эпидемиянинг жиддийлиги билан изоҳлаш мумкин, лекин фақат самарали вакцина ягона тўғри қарор бўлиши мумкин.

Шифокорларнинг таъкидлашича, аксарият лабораториялар вакциналарни клиник синовдан ўтказишнинг мажбурий уч босқичини назарда тутувчи мавжуд қоидаларга амал қилишяпти. "Баъзида синовлар параллел равишда ўтказилмоқда, олдинги босқич натижаларини кутмасдан, кейингисига ўтиб кетилмоқда", — деди у. Бироқ пандемиянинг жиддийлиги ва вируснинг юқори тезликда тарқалиши олимларни тадқиқот босқичларини қисқартиришга ундамоқда.

Унинг сўзларига кўра, ишлаб чи-




қарувчилар вакцина ишлаб чиқаришда ҳам тўғри қарор қабул қилишда тавakkal қилишига тўғри келади. "Дориларда ҳам худди шундай. Оғир касалликларда ноҳўя таъсирлари кўп бўлган дорилардан фойдаланамиз. Аллергик тумовда эса жиддий ноҳўя таъсирларни келтириб чиқарувчи дориларни беришни хоҳламаймиз. Чунки касалликнинг ўзи жиддий эмас", — деб изоҳлайди Беркун.

12 июл куни Россия дунёдаги биринчи коронавирусга қарши вак-

цинани синовдан ўтказди. Умуман олганда, кўнгиллилар вакцинани яхши қабул қилишган. Вакцина синовининг иккинчи босқичи 28 июлгача давом этади. Шундан сўнг Гамалея номидаги илмий тадқиқот институти вакцинани рўйхатдан ўтказишга ҳужжат топширади.

Хусусий компаниялар сентябрнинг бошларида ёки ўрталарида вакцина ишлаб чиқаришни бошлайди. Лекин уни шу заҳоти дорихоналардан сотиб олишнинг иложи бўлмайди.



ОЛИМЛАР: КОРОНАВИРУСНИНГ ЮҚУМЛИЛИК ДАРАЖАСИ ОШДИ

Гонконг ҳукуматининг коронавирус бўйича етакчи маслаҳатчиси, тиббий эксперт ушбу инфекциянинг юқумлилик даражасини маълум қилди.

Гонконг университети тиббиёт мактаби декани, профессор Габриэль Леунгнинг сўзларига кўра, ДНК мутацияси тўфайли янги штамм вируснинг юқумлилик даражасини 30 фоизга оширди. Унинг айтишича, коронавирусга чалинган битта одам тўрт кишига инфекция юқтириши мумкин.

"Бу вирус тарқалишининг бошланиши", — дея огоҳлантирган мутахассис.

Олимнинг фикрича, маҳаллий тадқиқотлар бу тамойилни тасдиқлаган. Март ойида коронавирусга чалинган битта одам 2,5-3 кишига касалликни юқтирган бўлса, ҳозирга келиб 4 кишини зарарламоқда. Бироқ вируснинг ўлимига олиб келиш даражаси ошганлигини тасдиқловчи ҳеч қандай далил йўқ.

Дилоромнинг уйига бир икки аёл келиб, ота-онаси билан гаплашиб кетишганидан бери тинчи йўқолди. Ахир, у иккинчи марта турмушга чиқяпти. Ўзга хонадонга бутунлай кетиш онлари яқинлашган сари хавотири ошгандан ошаверди.

МЕҲРДАН ЯРАЛГАН РИШТАЛАР



“Бировнинг боласига оналик қилиш қийин бўлса керак, мени қандай кутиб олишаркан? Бегона болаларнинг эркалигию инжиқликларига чидай олармиканман?.. Баъзида синглимнинг ёки укаларимнинг болалари хархаша қилса кўтаролмайман. Олти йиллик фарзандсизлик оқибатида кўрганларим менинг дийдамни қаттиқ қилиб қўймадимикин? Хўш, болалар менинг сўзимга кирмаса, айтганимни қилмаса, мен нима қилишим керак? Ширин гапириб меҳр кўрсатсам улар бошимга чиқиб кетмасмикин. Ёки бошидаоқ уларни маҳкам ушлашим, талтайтирмаслигим, қаттиққўл бўлишим лозимми?..” Дилоромнинг кўнглини шундай адоғи йўқ хавотирли ўйлар кемираётганди.

Олимнинг Дилоромга совчи қўйган эркакнинг дилидан эса: “Ўзга аёл раҳматли хотинимнинг ўрнини босармикан? Икки ўртада мен қийналиб қолмасмиканман? Умуман уйланмай ўтсам-чи? Лекин болаларга она керак. Ҳадемай қизларим катта бўлади, ахир улар билан сирлашиб, дардлашадиган онаси бўлиши керак-ку...”, деган ўйлар ўтаётганди.

Бу пайтда болаларга: “Уйимизга келган аёл киноларда кўрсатганидек, бизларни турткиламасмикин? Амаларимиз, холаларимиз айтганидек, ўгай барибир ўгайлигини қилмасмикин? Бизларга кун бермаса икки ўртада дадам қийналиб қолса-чи?..” деган ўй-хаёл тинчлик бермаётганди.

Бугун Дилоромни бир-икки аёл ирим-сиримини қилиб олиб келганига уч кун бўлди. Шунча кундан бери болалар бувисиникида эди. Ҳализамон келиб қолишса керак. Дилоромни яна ўй босди: “Улар билан қандай кўришсам экан? Кучоқлашиб кўришайми ёки шундай саломлашиб қўя қолайми. Улар салом беришмаса-чи. Ҳаммаси эсини таниб қолган, хўрозқанд билан алдаб бўлмаса...”

Унинг хаёлларини Олим аканинг овози тўзғитиб юборди:

Дилором болалардан “ойи”, деган биргина сўзни эшитишга муштоқ эди. Аммо болалар унга сўзсиз итоат қилса-да, гапини икки қилишмаса-да ўзларини олиб қочар, бегонасирадди.

– Дилоромхон, сизга айтадиган икки оғиз гапим бор.

Дилоромни ҳаяжон босди. Йўқ, эрининг уни сизлаб гапиргани учун эмас. Балки, Олим аканинг меҳрибонлиги уни ҳаяжонга солди. Чунки ароққўр биринчи эри билан у худди дўзахда яшагандек яшаганди-да. Сизлаб гапириш у ёқда турсин ҳатто одам ўрнида ҳам кўрмасди. Фарзандсизлигини юзига солиб, турткилайверарди. Дилором эса, фарзанд кўрсам ҳаммаси изга тўшиб кетар, деб умид билан яшади. Бироқ фарзанд кўрмади. Ҳаёти кундан-кунга ёмон бўлдики, яхшиланмади. Бир-икки дўхтирларга кўринган бўлди. Улар ҳам жўяли гап айтмади. Яхши шифокорларга кўринишга эса пул тополмади, эрининг тогани ароғидан ортмади.

– Энди болалар масаласига келсак...

Олимжоннинг гаплари унинг ўтмиш хотираларини тўзғитиб юборди.

– Менинг дунёга келиб топганларим шулар. Уларни ҳеч қачон урушмаганман. Жуда мўмин-қобил болалар. Раҳматли онасиам ўғил-қизларининг кўнглига қарарди, гўёки яқин дўсти эди уларнинг. Сиздан илтимос, бугун улар билан танишасиз, уларни хафа қилманг. Агар уларнинг кўнглига йўл топа олсангиз топган-тутганим сизники...

Олим аканинг гапи тугашини кутиб тургандек, бирин-кетин ҳовлига болалар кириб келишди. “Янги ойи”га салом беришиб ўз хоналари томон ўтиб кетишди.

Олим ака айтганича бор экан: болалар ҳақиқатан ўта одобли, мўмин-қобил. Аммо шу билан бирга одамовирокми-ей. Мана икки ойдирки улар Дилором билан тузук-қуруқ гаплашишмайди. “Ўгай”, деган фикр уларнинг онггу шуурига шу даражада ўрнашиб қолган эканми, улар ҳамон ундан узокроқ. Шунинг учунми, Дилором ўзини баъзида ортиқчадек ҳис қилади. Аммо эрининг ўта меҳрибонлиги, ширинсуханлиги унинг шубҳаларига ўрин қолдирмайди. У доимо: “Қандай

қилиб бўлмасин болаларнинг қалбига йўл топиш керак, шундай олижаноб одамнинг фарзандларини ёмон кўриб бўладими? Уларнинг дилидаги ўгай, деган сўзни ўчириб ташлашга албатта эришаман”.

Ҳа, у Олим акани севиб қолган, илк марта бахтнинг нима-лигини ҳис қилаётганди. У Олим ака ва болалар учун ҳамма нарсага тайёр эди. Гоҳ болалар учун мазали таомлар, пишириқлар тайёрлар, гоҳида бозорга бориб улар учун совға-саломлар кўтариб келарди. Дилором болалардан “ойи”, деган биргина сўзни эшитишга муштоқ эди. Аммо болалар унга сўзсиз итоат қилса-да, гапини икки қилишмаса-да ўзларини олиб қочар, бегонасирадди.

Шундай кунларнинг бирини Дилором болаларни мактабга жўнатди-да, томорқадаги пиёзни ўтоқ қилишга киришиб кетди. Ўз хаёллари билан анчагина жойни ўтоқдан чиқарди. Аммо илкис бошини кўтаргани учунми, кўз олди қоронғилашиб хушини йўқотди. Шу топда ҳовлига биринчи бўлиб кириб келган Ҳилола – Олим аканинг катта қизи Дилоромнинг чўзилиб ётганини кўриб кўрқиб кетди. Жон ҳолатда: “Ойи, ойижон сизга нима бўлди?”, деганча аёлнинг бошини кўтарди. Кейин пиёлада сув олиб келди-да, Дилоромнинг юзига сепди. Дилором кўзини очди. Тепасида юзига тинмай шапатлаганча “Ойи сизга нима бўлди?”, дея йиғлаётган Ҳилолани кўриб, ўридан туришга уринди.

– Ойи, дедингми?! Тилларингдан ойинг ўргилсин, кўрқма озгина офтоб элитди, шекилли.

Ҳилола Дилоромнинг кучоғига ўзини олди. “Ўзимнинг ойижоним!”, деди бағрига бош қўйганча.

Дилоромнинг кўзига севинч ёшлари қалқди. Аммо у ҳали олдинда ўзини яна бир тўхфа – юраги остида митти вужуд улғаяётганини билмасди...

Барно СУЛТОНОВА,
“Xabar” мухбири

ЁШЛАР БАНДЛИГИНИ ҚАНДАЙ ТАШКИЛ ҚИЛИШ МУМКИН?

Ёхуд IT-Паркдан абитуриентларга ажойиб таклиф

Ҳар йили мамлакатимизда бир миллион нафардан ортиқ абитуриентлар ўқиш истагида олий ўқув юртига ҳужжатларини топширади. Аммо ўқишга кириш бахти 100 мингдан зиёд ёшларга nasib қилади. Чунки, ўқишга қабул квоталари сони чекланган ва айтиш мумкинки, бу табиий ҳол. Хўш, унда талаба бўлмаган ёшлар нима қилишлари мумкин? Ёки уларни иш билан банд қилиш учун қандай тадбир кўриш мумкин?

“Xabar.uz” мухбири шу саволларга жавоб топиш мақсадида IT-Парк директорининг ҳудудий ривожланиш бўйича ўринбосари Нодир АЛИБЕКОВ билан суҳбат уюштирди.



топса, йил якунига келиб 100 миллион долларлик IT-хизматлари экспортни амалга оширишимиз мумкин.

Ахборот технологиялари йўналишида ёшларимиз бор имкониятлардан самарали фойдаланишса жуда катта маблағ ишлаб топишлари мумкин. Бунинг учун олий маълумот ҳам талаб қилинмайди. Фақатгина иқтидорни ишга солиш керак бўлади.

Мамлакатимизда дейлик 1 миллион 300 минг абитуриент олий ўқув юртига ҳужжат топширади. Уларнинг 130 минг нафарига яқини ўқишга кириши мумкин. Қолган 1 миллион 170 минг нафарини IT-соҳаси билан банд қилиш мумкин. Уларни Рақамли технологиялар ўқув марказларида 9 ой давомида ўқишларини ташкил қилиб бера оламиз. Ўқишни битириб улар IT-Паркка резидент сифатида ишга кириши, фрилансерлик қилишлари мумкин. Ёки бўлса, стартап жамоасини шакллантириши ёки ахборот технологиялари бўйича компания ташкил қилиб, IT-Парк резиденти бўлиши, имтиёزلардан фойдаланишлари мумкин бўлади.

Ушбу лойиҳа билан мактабларнинг 7-синфидан 11-синфигача бўлган ўқувчилари ҳам қамраб олинган.

— Саволингиз жудаям долзарб. Ўқишга киролмаганларни, умуман, барча ёшларнинг бандлигини таъминлаш ўта муҳим вазифа. Шу сабабли бу борада IT-Парк ўз лойиҳасини ишлаб чиққан. Ҳозирда нафақат, пойтахтда, балким ҳудудларга ҳам эътибор қаратилиб, ёшларнинг интернет ва компьютер имкониятларидан самарали фойдаланишга жалб қилинмиш.

Бунинг ечими сифатида жойларда IT-Парк филиаллари ва Рақамли технологиялар ўқув марказлари ташкил этилмоқда. Бу ерда ёшларга кенг имкониятлар

тақдим қилинмоқда. Марказлар узлуksиз электр таъминоти ва тезкор интернет билан таъминланган, яъни бу йўналишда 24/7 тизими жорий этилган.


Давлатимиз раҳбари олдимизга қўйган вазифаларга асосан ҳозир ахборот технологиялари йўналишида фундаментал ишлар олиб борилмоқда. Мактабдан бошлаб йирик компанияларга IT-хизматлари кўрсатадиган мутахассислар базасини шакллантиришга киришганмиз.

Бу йил ҳудудларда IT-Паркнинг олтита филиали очилади. Қўшимча равишда Рақамли тех-

нологиялар ўқув марказлари орқали ёшларни дастурлашга ўқитиш ишлари олиб борилмоқда. Яна, шунингдек, хабарингиз бор, республикаимизда “Бир миллион дастурчи” лойиҳаси амалга оширилмоқда. Ушбу лойиҳа билан мактабларнинг 7-синфидан 11-синфигача бўлган ўқувчилари ҳам қамраб олинган.

Энди рақамларга мурожаат қилсак. Шу йўналишларда бир йилда 50 минг нафар фрилансер тайёрланса. Уларнинг ичида энг иқтидорли 15 нафар фрилансер йилга камида ўртача 6000 АҚШ доллари ишлаб

МУҲОКАМАДА ЯНГИ ЛОЙИХАЛАР



ЎЗБЕКИСТОНДА СУНЪИЙ ИНТЕЛЛЕКТНИ РИВОЖЛАНТИРИШ СТРАТЕГИЯСИ ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ

Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари муҳокамаси порталида Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2021-2022 йилларда Ўзбекистон Республикасида сунъий интеллектни ривожлантириш стратегияси”га оид фармони лойиҳаси муҳокамага қўйилди.

Олимларнинг таърифига кўра, сунъий интеллект инсоннинг мантиқий ва ижодий функцияларини бажарувчи интеллектуал сунъий тизимдир.

Сунъий интеллект ҳозирги ахборот асрида ниҳоятда долзарб бўлиб, инсоният сунъий интеллект орқали XXI асрнинг глобал муаммоларига илм-фанда янги имкониятларни кашф этиш йўли билан ижобий ечимларни топади. Шунингдек, бу тиббиёт, таълим, энергетика, қишлоқ хўжалиги, шаҳарсозлик ва бошқа барча соҳаларда сифатли хизмат кўрсатиш имкониятларини оширади.

Сунъий интеллектни ривожлантиришда олий таълим муассасаларининг ўрни йилдан-йилга ортиб бормоқда. 2019 йил якуни бўйича Хитой Халқ Республикаси ўзининг олий таълим ва илмий тадқиқот муассасалари билан дунё мамлакатлари ичида дастлабки 10таликда етакчиликни

қўлга киритди. Кейинги ўринларни Корея, АҚШ, Япония ва Европа давлатлари эгаллаган. Умуман, дунёда сунъий интеллектга талаб ва унинг қўлланилиш соҳаси ҳам ортмоқда.

Мамлакатимизда ҳам сўнги йилларда ахборот технологияларини ривожлантириш, соҳа ва тармоқлар фаолиятига рақамли технологияларни жорий этиш, “ақлли дастурлар”нинг қўлланиш соҳасини кенгайтириш бўйича давлатимиз раҳбари ва ҳукумати томонидан қатор ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинди ва ижро этилмоқда.

Лойиҳада эса бевосита сунъий интеллектни ривожлантириш учун муҳим бўлган ҳужжатлар келтирилган.

<https://regulation.gov.uz/document/19838> ҳаволаси орқали фармон билан тўлиқ танишиш ва таклиф билдириш мумкин.

ОАВга дронлардан фойдаланишга рухсат берилади

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги янги таҳрирдаги “Оммавий ахборот воситалари тўғрисида”ги қонун лойиҳасини жамоатчилик муҳокамасига қўйди.

Унда қатор янгиликлар кўзда тутилган. Жумладан, ОАВ фото ва видеоматериалларни тайёрлаш мақсадида қонунчиликда белгиланган тартибда рухсатнома олиш орқали тегишли давлат органи томонидан белгилаб берилган ҳудудларда, қирқ метргача бўлган баландликда, вазни уч килограммдан зиёд бўлмаган учувчисиз учадиган аппаратлардан фойдаланиши мумкин.

Шунингдек, лойиҳада рўйхати қонун ҳужжатларига мувофиқ тасдиқланадиган тегишли кўрсаткичлар билан суратга олиш тақиқланган ҳудудлардан ташқари жамоат жойлари, бино ва иншоотларни ҳеч қандай чекловларсиз фото ва видео тасвирга олиш ҳуқуқи, ОАВлар устав фондида чет эл инвестицияларининг улушини ўттиз фоиздан қирқ тўққиз фоизгача оширишга рухсат берилмоқда.



<https://regulation.gov.uz/document/19838> ҳаволаси орқали фармон билан тўлиқ танишиш ва таклиф билдириш мумкин.

12 АЛОҚА ОЛАМИДА



КОМПЮТЕРЛАР

КОМПЮТЕРЛАР БОЗОРИДА
ОХИРГИ 10 ЙИЛДАГИ ЭНГ
ЯХШИ ЎСИШ КУЗАТИЛДИ


2020 йилнинг иккинчи чораги жаҳон шахсий компютерлар бозори учун кескин ўсиш даври бўлди. Йилнинг дастлабки уч ойида компютерлар ва жамламаларини етказиб беришдаги узлишлардан сўнг, кейинги чорада жами 72,9 миллионга десктоплар, ноутбуклар ва ишчи станциялар сотилди.

Натижада, Canalys ҳисоб-китобларида кўра, бозор 9 фоизга ўсди. Бу 2010 йилнинг учинчи чорагидан бери қайд этилган энг яхши кўрсаткич.

Бозорнинг ўнгилишида илҳам ечимлар муҳим аҳамиятга эга бўлди: ноутбуклар ва мобил ишчи станциялар савдоси 24 фоизга ўсган бир пайтда, стол компютерлари ва ишчи станциялар тушуми 26 фоизга озайд.

Йил бошидаги пасайишга қарамай, глобал бозорда 18 фоизлик улуш билан HP компанияси Lenovoдан ўтиб, етакчига айланди. Биринчи чорада йўқотишларга учраган яна бир ишлаб чиқарувчи — Dell ўсиш зонасига қайта олди.

Етакчи бешликка Apple ва Acer ҳам кирди, охириги компания йирик вендорлар орасида энг катта ўсиш динамикасига эришди.



ИЛОВАЛАР

ХАЗИНА ҚИДИРУВЧИ
МОБИЛ ИЛОВА ЧИҚАРИЛДИ

Хелсинборг шаҳридаги машҳур пляжларда одамлар тўпланишининг олдини олиш мақсадида хазиналар харитаси кўрсатилган мобил илова ишлаб чиқилди, дея хабар берди Times of Malta.

Шунингдек, илова маҳаллий аҳоли ва меҳмонларга ўзлари учун янги дам олиш жойларини кашф этишда ёрдам беради.



Хелсинборг Швеция билан Дания ўртасидаги Эресунн бўғози соҳилида жойлашган. Ҳордиқ чиқарувчилар ихтиёрида 23та пляж бўлишига қарамай, аҳоли ва сайёҳларнинг аксар қисми асосан уларнинг учта-тўрттасида дам олишади. Қолганлари эса бу вақтда кимсасиз бўлади.

Илова квест сингари ишлайди: турли пляжларда хазиналар харитаси бўйлаб ҳаракат қилиш ва вазифаларни бажариш орқали фойдаланувчилар ҳар хил совғаларни қўлга киритишади. "Ов" 31 августгача давом этади.

Гарчи Швецияда коронавирусига қарши карантин жорий этилмаган бўлса-да, ҳукумат аҳолидан ўз саломатлигига жиддий эътибор беришни ҳамда бир жойда кўп одам тўпланмаслигини сурамоқда.

ХАВФСИЗЛИК

WINDOWS 10НИНГ ЯНГИ ФУНКЦИЯСИ ТИЗИМ
КОТИРАСИГА ҚУЖУМЛАРДАН ҚИМОЯЛАЙДИ

Microsoft компанияси Windows 10нинг компютерлар хотирасига киберҳужумларни йўққа чиқарадиган янги технологиялари тафсилотларини очиқлади. Компания блогида Kernel Data Protection (қисқача — KDP) функциясига техник шарҳ берилди.

"KDP Windows ядросида (яъни амалий тизимнинг кодида жойлашган) ишловчи драйверлар ва дастурий таъминотларни қимоялашга мўлжалланган. Натижада NT (VTL0) ядросида ишловчи ҳеч бир амалий тизим бу хотирадаги нарсаларни ўзгартирмайди", — деб ёзди Microsoftнинг Windows ядроси хавфсизлиги гуруҳи етакчи муҳандиси Андреа Аллиеве.

Windows хавфсизлигидан ташқари, ушбу технология компаниянинг киберхавфсизлик соҳасида фаолият олиб бораётган ҳамкорларига ҳам қўл келиши мумкинлиги айтилмоқда.



ИККИЛАМЧИ БОЗОР


ХИАОМИ СМАРТФОНЛАРИ ИККИЛАМЧИ БОЗОРДА
НАРХИНИ САҚЛАШ БОБИДА ИРНОЕДАН ЎТИБ КЕТДИ

Мобил телефонларни қайта ишлаш билан шугулланувчи Huishoubaо стартапи (Хитой) иккиламчи бозорда нархини йўқотмаслик борасида Xiaomi смартфонлари iPhone қурилмаларини орта қолдирганини маълум қилди.

Қайд этиш керакки, бу Huishoubaонинг шу йўсиндаги илк ҳисоботи эмас, компания 2014 йилдан бери иккиламчи бозор нархлари ҳақида маълумот бериб келади.

Ҳозирги рейтинг 2020 йилнинг биринчи ярмига бағишланган. Бу рейтингга кўра, Xiaomi томонидан ишлаб чиқарилган смартфонлар иккинчи қўлга ўтишда бошланғич нархига нисбатан энг кам йўқотишга учрайди. Яъни бу телефонни сотмоқчи бўлган одам сотиб олишда амалга оширган тўловидан фойза ҳисобида камроқ йўқотади.

Эътиборли жиҳати шуки, турли йилларда рейтинг етакчиси бўлиб келган Apple 2020 йилнинг биринчи ярмида олтинчи ўринга тушиб кетди. Фойдаланувчилар iPhone 12 чиқишидан кўп нарсалар қутишяптими ёки бошқа сабаблар борми, Huishoubaо буни маълум қилмаган.




ҚУВВАТЛАШ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ

СМАРТФОННИ ЭНДИ АТИГИ 20 ДАҚИҚАДА ТўЛИҚ ҚУВВАТЛАШ МУМКИН

Орро компанияси смартфонлар учун ўта кучли (125 Вт) қувватлагични тақдим этди. Ўта тезкор бу технология смартфонни атиги 20 дақиқада 0 дан 100 фоизгача қувватлай олади.

Компания аниқлик киритишича, бу ерда гап 4000 мАс (2020 йил смартфонларидаги ўртача стандарт) сигимли аккумуляторни қувватлаш ҳақида борапти. Янги технология ушбу батареяларни беш дақиқада 0 дан 41 фоизгача, 100 фоизгача эса жами 20 дақиқада қувватлайди. Такимилаштирилган ҳарорат алгоритми зарядлаш жараёни хавфсизлигини таъминлайди.

Компания симли қувватлагич билан бирга симсиз AirVOOC (65 Вт) қувватлагичини ҳам тақдим этди. Бу қурилма 4000 мАс сигимли аккумуляторни тўлиқ қувватлашга 30 дақиқа вақт сарфлайди. Бу ҳам рекорд, фақат симсиз қувватлагичлар орасида.



СМАРТФОНЛАР

CUBOT X30 — БЕШ КАМЕРАЛИ
СМАРТФОНЛАРНИНГ ЭНГ АРЗОНИ

Cubot компанияси пентакамерали (асосий камераси бештали) смартфонларнинг энг арзонини тақдим этди.

Cubot X30нинг нархи — 149 доллар.

Смартфонга 6,4-дюймлик экран (FullHD+), MediaTek Helio P60 процессори, 6/8 ГБ тезкор хотира, 128/256 ГБ доимий хотира ўрнатилган, аккумулятори ток сигими — 4 200 мАс. Смартфон NFC модулини ҳам қўллайди.

Асосий камерасидаги бош модул (Samsung S5KGM1) 48 мегапикселли. Қолганлари 16, 5, 2 ва 0,3 мегапикселли. Фронтал камера-мегапикселли.



Cubot X30 расман 27 июлдан сотувга чиқарилиши маълум қилинган.

КОМПАНИЯЛАР

HUAWEI БИРИНЧИ ЯРИМ
ЙИЛДА 64,2 МЛРД.
ДОЛЛАР ДАРОМАД ОЛДИ

Huawei компанияси 2020 йил дастлабки ярмидаги фаолиятига доир ҳисоботни тақдим этди.

Коронавирус пандемиясига қарамай, компания ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 13,1 фоиз кўп даромад қилди — 64,2 млрд. доллар (454 млрд. юан). Соф фойда 9,2 фоизни ташкил этди.

Ҳисоботда таъкидланишича, COVID-19 пандемияси шароитида ахборот ва коммуникация технологиялари нафақат вирусга қарши курашишда муҳим восита, балки иқтисодий тикланиш "мотор"ига айланди. Мураккаб шароит очиқ ҳамкорлик ва глобал ишлаб чиқариш савдога ишончининг муҳимлигини кўрсатди.



Саҳифани С.ТЕМИРОВ тайёрлади.



Озарбайжон ва Арманистон: ТОҒЛИ ҚОРАБОҒ ЯНА АКС-САДО БЕРДИ

Ўтган ҳафта охирида Озарбайжон ва Арманистон чегарасидаги отишмаларда 11 нафар озарий аскари ҳалок бўлган. Расмий Боку эса қақшатқич жангларда Озарбайжон Куролли Кучларининг икки нафар генерали ҳалок бўлганини таъкидламоқда. Икки давлат чегараси яқинидаги отишмаларда, шунингдек, Арманистоннинг икки нафар полиция ва уч аскари яраланган. Арманистон расмий маъбулари ўз томонидан талофатлар йўқлигини айтмоқда.



ҳаракатларини қатъиян қоралаймиз. Озарбайжоннинг сиёсий ва ҳарбий раҳбарияти минтақадаги барқарорликка путур етказганлик учун масъулдир”, – деган Никол Пашинян.

Сўнгги тўқнашувлар Тоғли Қорабоғ шимолида юз берди.

Жаҳон ҳамжамияти хавотирда

Озарбайжон ва Арманистон ўртасида 1990-йилларда Қорабоғ юзасидан жанглар кечган. Тоғли Қорабоғ жаҳон ҳамжамияти томонидан Озарбайжон тупроқлари деб тан олинади. Аммо ҳудуд Арманистон назорати остида қолмоқда.

БМТ Бош Котиби Антонио Гутерриш Озарбайжон–Арманистон чегарасида оғир қуролларнинг қўлланиши билан юз берган отишмалардан чуқур хавотирда эканини билдирган. Европада Хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти Ереван ва Бокуни отишмаларни тўхтатишга чақирган. Европа Иттифоқи ва Россия ҳам отишмаларни тўхтатиш чақириғи билан чиққан. АҚШ Давлат Департаменти Озарбайжон–Арманистон чегарасидаги зўравонликни қоралаган ва томонларни ўт очишни тўхтатиш тартибига қатъий амал қилишга чақирган.

Охирги марта Озарбайжон ва Арманистоннинг юқори мартабали вакиллари июн ойи охирида видеоконференция орқали мулоқот қилган эди.

Тўқнашув ва отишмалар яқшанба куни Озарбайжоннинг Товуз ҳамда Арманистоннинг Тавуш вилоятлари ўртасидаги чегара нуқтасида бошланган. 12 июл куни Арманистон Мудофаа вазирлиги озарий ҳарбийлари давлат чегарасини икки марта бузгани ва таянч нуқтасини босиб олишга уринганини даъво қилди. Шундан сўнг Озарбайжон қишлоқларидан Арманистон томонидан оғир артиллерия ҳужумлари бошлангани ҳақида хабарлар кела бошлаган.

Ўзаро айбловлар

Озарий ижтимоий тармоқларда душанбага ўтар кечаси чегарадаги қақшатқич отишмалар экани айтилган

видеотасвирлар эълон қилинди. Арманистон беш нафар аскари яраланганини айтиб, чегарадан ўтишга уринган Озарбайжон ҳарбийларига тегишли жипни ўққа тутганини даъво қилди. Озарбайжон Мудофаа вазирлиги эса Арманистон мавқеъларига зарба экани айтилган тасвирларни намойиш қилди.

Ҳар икки томон бир-бирини жангвор ҳаракатларни бошлашда айбламोқда. “Биз Озарбайжонда фаолият кўрса-

таётган хорижий давлатларнинг ҳарбий вакиллари ҳудудни бориб кўришга таклиф қиламиз. Улар бу ҳарбий иғвогарлик ҳаракатини ким бошлаганини ўз кўзлари билан кўрсинлар”, – деб айтган Озарбайжон Президенти Илҳом Алиев.

Аммо Арманистон бош вазири минтақадаги барқарорликка Озарбайжон таҳдид солаётганини айтди. “Биз бугун эрталаб қайтадан бошланган Озарбайжон Куролли Кучларининг иғвогарона

2020 йилда глобал очарчилик кескинлашади

Ўтган йили сайёраимиздаги 700 миллион киши очарчилик муаммосига йўлиққан эди, 2020 йилда вазият янада оғирлашади. Охирги беш йилда очлар сони 60 миллион кишига ошди. БМТ 13 июл куни ҳавола қилган ҳисоботда тафсилотлар очилган.

Мутахассислар овқат етишмовчилиги бўйича энг кўп ҳолатлар Осийеда (381 миллион киши очликдан азоб чекмоқда) кузатилаётгани, очарчилик энг тез Африкада (250 миллион киши) тарқатганини қайд этишди. Учунчи ўринда эса Лотин Америкаси ва Кариб ҳавзаси мамлакатлари – 48 миллион киши тўйиб овқат емасликдан қийналмоқда. “Коронавирус пандемияси глобал озиқ-овқат тизимининг ҳимояланмаганлиги ва номувофиқлиги ҳолатларини борган сари кучайтиряпти. 2020 йилда очликдан азоб чекаётганлар қаторига яна 132 миллион киши қўшилиши кутиляпти”, – дейилади БМТ ҳисоботида.



ЛУКАШЕНКОНИНГ ИККИ ЖИДДИЙ СИЁСИЙ РАҚИБИ САЙЛОВГА ҚЎЙИЛМАДИ

Беларус Марказий сайлов комиссияси Виктор Бабарико ва Валерий Цепкалонни президентликка номзод сифатида рўйхатга олишни рад этди. Сайлов комиссияси раҳбари Лидия Ермошинанинг сўзларига кўра, текширув натижасида Бабариконинг даромади Латвия, Буюк Британия ва бошқа мамлакатларга олиб кетилган.

Бундан ташқари, Бабариконинг солиқ декларациясида 500 минг доллардан ортиқ маблағ кўрсатилмаган. Марказий сайлов комиссияси раҳбари, шунингдек, Давлат тафтиш идорасида “Бабариконинг хорижий молиявий ёрдамдан фойдаланиш фактлари тўғрисида ишончли маълумотлар мавжуд”лигини таъкидламоқда.

Виктор Бабарико 9 август куни бўлиб ўтадиган президентлик сайловларида

Александр Лукашенконинг асосий рақиби бўлиши кутилаётган эди. Яна шуни айтиш керакки, у июн ўрталарида ҳибсга олинган. Ҳибсга олинишидан олдинроқ Виктор Бабарико шундай деган эди: “Агар бу рўй берса (МСК рўйхатдан ўтказмаса), у (Беларус президенти Лукашенко назарда тутиляпти) ҳатто рақобатлашмаслигини ёки қандайдир тарзда халқнинг иродасини сўрамаслигини кўрсатмоқда. Мен сайлов жараёни шу йўналишда юради деб ўйламайман. Ўзбошимчиликдан бошқа расмий асослар йўқ (рад этиш учун). Аммо кейин бу бутун дунёга намойиш бўлади. Мен нима бўлишини билмайман. Бу ҳақда Беларус халқига гапиринг”.

Сайлов комиссияси яна бир жиддий рақиб Валерий Цепкалонни рўйхатдан ўтказишни ҳам рад этди. Аммо Свет-



лана Тихановская “жиддий хатолари”га қарамай, президентликка номзод сифатида тасдиқланди.

Амалдаги президент Александр Лукашенко, Андрей Дмитриев, Сергей Черечняна ва Анна Канопатская ҳам сайлов номзоди сифатида рўйхатга олинган.

ХИТОЙГА НИСБАТАН САНКЦИЯЛАР ТЎҒРИСИДАГИ ҚОНУН ИМЗОЛАНДИ

АҚШ президенти Доналд Трамп Гонконгдаги “камситувчи ҳаракатлар” муносабати билан Хитойга қарши санкциялар тўғрисидаги қонунни имзолади. Бу ҳақда у 14 июл куни Оқ уйдаги матбуот анжуманида маълум қилди.

“Бугун мен Гонконг аҳолисига нисбатан камситувчи ҳаракатлари учун Хитойни жавобгарликка тортувчи қонун лойиҳаси ва ижро этувчи фармонга имзо чекдим”, – деди Трамп.

Унинг сўзларига кўра, АҚШ Конгресси томонидан аввалроқ маъқулланган қонун лойиҳаси Гонконгдаги вазиятга алоқадор хитойлик жисмоний ва юридик шахсларга нисбатан санкцияларни жорий қилишни назарда тутди.



Интернет материаллари асосида У. ЙЎЛДОШЕВ тайёрлади

Надя МИРОНЮК



(Мистика)

Эрталаб офисга келгач, у биринчи ишини кеча олиб келишган ҳикояларни ўқиш билан бошлади. Ҳар бир воқеа якунида қандайдир фожиали бахтсиз ҳодиса баён қилинган, содир бўлган воқеалар кимнингдир ёмон нияти натижаси эмаслиги, балки бу ҳикоя қаҳрамонларининг ўтмишда қилган гуноҳлари учун жазо эканлиги аниқ кўрсатилган эди.

5 октябр эрталабки соат 9да "East Star Journal" адабий ҳафталиги бош муҳаррири Эд Свэйзи Парк-стрит кўчасида жойлашган 12-уйдаги дабдабали офисига кириб келди. Хонасига кириб эшикни ёпгач, сигарет тутатди ва мамнун жилмайди. Охириги ярим йил "East Star Journal" учун барчаси жуда омадли бўлди. Журнал адади барқарор равишда кўпайди, обуначилар сони эса бир неча юз мингдан ошди. Энг муҳими, ҳеч ким журнални омманинг истакларига тўсқинлик қилишда айблай олмасди. Гап шундаки, Свэйзи ўз ўқувчиларига тақдим этадиган асарлар орасида "фантазия" услубидаги шовшувли детективларга, хаёлий триллерларга ёки ҳикояларга ўрин йўқ эди. Буларнинг барчасини у жиддий замонавий адабиётга муносиб кўрмас ва принципапал жиҳатдан булар билан ўзининг "интеллектуал" журнални тўлдириш мумкин эмас деб ҳисобларди. Эд учун адабиётнинг нозик "жиҳатлари" алоҳида аҳамиятга эга эди – бу "East Star Journal"нинг асоси ва фахри бўлиб, айнан шу нарса Шарқий қирғоқдаги кўплаб шу каби нашрлардан уни ажратиб турарди.

Хонадаги сокинликни бирдан телефон кўнгириги бузди. Эд гўшакни кўтарди.
– Жаноб Свэйзи, хавфсизлик хизматидан офицер Корриганман. "Экспресс-мэйл"дан хабарчи ҳикоялар солинган пакет ташлаб кетди. Хатжилдда қайтиш манзили ёзилмаган. Пакетни сизга юборайликми ёки...

– Раҳмат, офицер, уни менга жўнатинг.
– Эд гўшакни кўйди.
Беш дақиқадан сўнг ҳикоялар тўплами Свэйзи столида пайдо бўлди.
– Қани, кўрамыз, кўрамыз. – Эд биринчи саҳифани очиб ўқишга тушди.

"Хурматли жаноб Свэйзи. – Ўттизга яқин босма саҳифадан олдинги кўлэзма матн ўткир чап қияликка эга эди. – Бир-биримизни таниш шарафига муяссар эмасмиз. Бироқ, сиз ҳақингиздаги баъзи маълумотлар менга куйидагиларни тўғри талқин қила олишингизга умид қилишимга сабаб бўлади.

Бу менинг илк адабий тажрибам ва қасам ичаманки, буни Сиздан бошқа ҳеч кимга ишона олмайман.

Умид қиламанки, ҳикоялар Сизни қизиқтириб кўяди. Энг муҳими, Сизда уларни чоп этиш истаги пайдо бўлади. Акс ҳолда, афсуски, Сиз бир қатор тушунарсиз кўнгилисизликларга, тўхтатиб қололмайдиган оқимга дуч келасиз.

Сизга содиқ қолувчи УЛ.

P.S. Менга қалам ҳақи керак эмас".

Қайдномани такрор ўқиб чиққач, Квэйзи қовоғини уйди ва кўриқчи телефон рақамини терди.

– Корриган, қайтиб ҳеч қачон қайтариладиган манзили бўлмаган бирортаям кўлэзmani қабул қилманг.

– Ҳўп, жаноб! Лекин сиз ўзингиз айтдингиз...

– Ҳа, мен айтдим. Аммо энди бундан афсусланиб ўтирибман.

– Тушунарли, жаноб!

Олиб келинган ҳикояларни бир четга суриб, Свэйзи доимгидек иши билан шуғулланишга киришди. Ва иш куни тугагунча улар ҳақида бошқа ўйлаб ҳам ўтирмади.

Тунги ўнлар чамаси офисдан чиқиб, Ҳэвелл пуллик автотураргоҳига йўл олди. Қоравулхонага бош иргаб, Свэйзи машинаси томон ўғирилди ва кўзларига ишонолмай қолди. 1997 йилги моделдаги тўқ кўк рангли "Бюик"нинг доимий турадиган жойи бўш эди.

Свэйзи бир зум кўзларини юмди.

– Жин урсин, автомобилим қани?

Кўзларини очди, аммо ҳолат ўзгармаганини кўрди.

– Қаёққа қараясиз? – Эднинг овози қичқирдиққа айланди.

– Билмадим, жаноб, мен ҳамма вақт шу ерда бўламан.

– Агар шу ерда бўлсанг, унда машинам қани?

– Билмайман, жаноб! Бунда менинг айбим йўқ.

– Сен билан эртага шуғулланаман. –

Свэйзи чўнтагидан кўл телефонини олди. – Алло, полиция! Машинамни ўғирлашди.

Ҳэвелл автотураргоҳидан. Лаънати кўриқчи ҳеч қаёққа кетмаганини айтяпти.

– Тинчланинг, жаноб. – Гўшакдан аёл кишининг ёқимли овози янгради. – Машинангизни албатта топамиз. Узингизни таништиролмайсизми?

– Исми Эд Свэйзи, мен... – Свэйзи чуқур хўрсинди.

– О, жаноб Свэйзи, кимлигингизни яхши биламан, мен – журналингиз обуначисман.

– Ажойиб. Бу жуда ажойиб. Менинг "бюик"им...

– Ҳа-ҳа, маълумотлар базамиздан сизнинг файлингизни топиб бўлдим.

Эртага эрталаб сиз билан лейтенант Жонсон боғланади. Ва мен ўйлайманки...

барчаси кўнгилдагидек яқунланади.

– Тилингизга шакар. – Эд бош силкиди.

– Эртагача, жаноб Свэйзи. – Навбатчи

аёл гўшакни кўйди.

Свэйзини уйда яна бир ноҳус сюрприз кутарди. Кўшнинг боғидаги бир дарахт унинг сеvimли ити – Пилча устига тушибди. Пилчани тезда ветеринарга олиб боришган бўлса-да, у ҳеч нарса қила олмабди. Ит операция столида жон берибди.

Даҳшатли хабарни эшитган Эд инграб бошини чангаллаб қолди.

– Лаънати дарахт! Наҳотки, шу нарса-нинг олдини олиб бўлмасди-я?

– Лекин, Эд, бу ҳали мустақкам дарахт эди, қулашини ким ҳам ўйлабди дейсан. – Свэйзининг кўшниси Пол Грехем унинг елкасига қоқиб кўйди. – Нима бўлган тақдирда ҳам ҳодисада ҳеч қандай айбим йўқлигини биламан. Мана кечагина Магдани унинг олдида суратга олдим. Унда ҳеч қанақа ёриқлар йўқ эди.

– Ҳа, ҳаммасини тушунаман, Пол.

Албатта, олдиндан илғаб бўлмайдиган нарсалар ҳам бор.

Шу тун Свэйзи кўзига умуман уйку келмади.

Эрталаб офисига келгач, у биринчи ишини кеча олиб келишган ҳикояларни ўқиш билан бошлади. Ҳар бир воқеа якунида қандайдир фожиали бахтсиз ҳодиса баён қилинган, содир бўлган воқеалар кимнингдир ёмон нияти натижаси эмаслиги, балки бу ҳикоя қаҳрамонларининг ўтмишда қилган гуноҳлари учун жазо эканлиги аниқ кўрсатилган эди.

Шу билан бирга, муаллифнинг далиллари шунчалар мантиқли ва оқилона эдики, ҳатто Свэйзи ўзининг барча шубҳао гумонларига қарамасдан, уларни тўлиқ мантиқий ёндашув деб топди. Ҳикояларнинг бадиий қиймати ҳам ҳеч қандай шубҳага ўрин қолдирмасди.

Эднинг фикрларини лейтенант Жонсоннинг кўнгириги бўлди. У билан таҳминан ўн дақиқа гаплашгач, Свэйзи шуларни англади: а) унинг "Бюик"ини топишга бўлган барча уринишлари самарасиз бўлган; б) Жонсон жуда афсусда; в) бутун транспорт полицияси оёққа турган ва тез орада машина топилади.

– Жин урсин, икки қарра сизга ишонгандим. – Свэйзи телефон гўшагини иларкан галати илжайди. – Беланини топиш керак. Афтидан, фақат угина менга ёрдам бера олади.

(Давоми бор.)

Рус тилидан
Усмонжон ЙЎЛДОШЕВ таржимаси


ЭКСПЕРТ ЭНГ ОСОН БУЗИЛАДИГАН ПАРОЛ ТУРЛАРИНИ АЙТДИ

F-Secure компаниясининг киберхавфсизлик бўйича мутахассислари аввалроқ энг ишончсиз паролларни эълон қилишган эди. Булар – почта ёки бирор сервисдаги аккаунт паролли эмас, балки турли девайсларга қўйиладиган пароллардир.

Ахборот хавфсизлиги йўналишидаги Positive Technologies компаниясининг тахлил бўлими гуруҳ раҳбари Екатерина Килюшева ҳам бу борада муҳим маълумотларни келтирган. “РИА Новости”га берган интервьюсида у хакерлар бузиши энг осон бўлган паролларнинг турларини айтган.

Мутахассиснинг таъкидлашича, аксарият фойдаланувчиларнинг энг катта муаммоси шундаки, улар qwerty туридаги ёки тузилган кунли санасидан иборат бўлган энг содда паролларни қўллашади. “Мутахассисларимиз томонидан бултур ўтказилган текширувларнинг кўрсатишича, энг кенг оммалашган парол форматларидан бири – “0ййил”нинг лотинча ёзилишидир. Масалан, кишилар “Декабр2019” тушунчасини “Ltrf,hm2019” шаклида ёки “Август2019”ни “Fduescn2019” тарзда парол қилиб танлайдилар. Бунақа пароллар ҳар учта компаниянинг бирида учрайди; ташкилотлардан бирида эса 600 нафардан ошқ фойдаланувчи шу турдаги паролни ишлатиб келаётганлиги маълум бўлди”, дейди Килюшева.

Демак, агар сизнинг ҳам бирор сервисдаги паролнингиз шу формула асосида тузилган бўлса, ўзгартириб қўйганингиз маъқул.



БРОККОЛИ КЕКСАЛИККА ҚАРШИ



Мутахассислар брокколи кексаликка оид касалликларнинг олдини олишга ёрдам беради, дейишмоқда. Уларнинг таъкидлашича, ушбу сабзавот таркибда лютеин ва зеаксантин антиоксидантлари, шунингдек, қариш жараёнини секинлаштирувчи сулфорофан бисёр.

Бундан ташқари, диабет билан оғриётган беморлар брокколини истеъмол қилиши фойдали. Негаки, ушбу сабзавот қондаги қанд миқдорини назорат қилишга ҳамда холестерин даражасини камайтиришга ёрдам беради. Шунингдек, инфаркт ва ичак касалликлари профилактикаси учун нихоятда фойдали.

ЎЗИНГИЗ ТАЙЁРЛАНГ

Ёзнинг жазирама кунларида жуда фойдали бўлган яхна ичимликларни уй шароитида тайёрлаш рецепти. Оилангиз ва яқинларингиз учун тайёрлаб кўринг.

ЯЛПИЗЛИ ЛИМОНАД

Масаллиқлар:

- 250 мл сув;
- 125 грамм шакар;
- 4-5 дона ялпиз шохчаси;
- 2 дона апельсин;
- 1 дона лимон;
- 1 литр “Спрайт” ёки газланган сув.

Тайёрланиш усули:

Шакарни

кастрюлга соламингиз ва сув қўшиб, қайнаб чиқишини кутамиз. Беш дақиқа давомида қайнагач

оловни учирамингиз ва қиёмга ялпиз солиб, совутишга қўямиз. Лимон ва апельсинларни эзиб, шарбатини қиёмга (ялпизни олиб ташлаймиз) қўшамиз ва газланган сув ёки “Спрайт” билан аралаштирамиз. Муз бўлакларни, ялпиз ва цитрусли мевалар билан тортамиз.



ЮЛДУЗЛАР

БУ АКТРИСАНИНГ ОИЛАСИ СССРДАН ҚОЧИБ КЕТГАН ВА... ЭНДИ УНИ БУТУН ДУНЁ БИЛАДИ



Жаҳон киноси юлдузлари орасида шон-шухратнинг жуда мураккаб йўлларини босиб ўтганлар бор. “Викинлар” сериалидаги асосий роллардан бири орқали жаҳонга танилган Кэтрин Уинник билан ҳам шундай бўлган. Бу ҳақда “Рамблер” маълум қилди.

Бироқ, канадалик актриса Кэтрин Уинник аслида украинalik эканлигини ва ота-боболари 1940 йилда СССРдан қочиб кетишганини камданкам одамина билади. Қизиги шундаки, унинг бобоси Владимир Винницкий милтиқдан отиш бўйича мерган бўлган ва урушдан кейин фахрий мерганлар ташкилотига асос солган.

Кэтриннинг она-отаси Роман ва Леся Винницкийлар нацистлар Германиясида туғилган, кейинроқ эса Канадага қўчиб кетишган, аммо ҳатто

ўша ерда ҳам ўзлигини унутишмаган – Торонтодаги украин мактабига ва черковига боришган.

Муҳожирлар оиласидан бўлган қизга шон-шухрат йўллари Нью-Йоркдаги актёрлик мактабидан бошланган, у айнан шу ерда керакли танишлар орттиришга ва дастлабки ролларни олишга муваффақ бўлган. 2010 йили у режиссёр Роберт Лукетичнинг “Қотиллар” комедиясида суратга тушди.

Дунёдаги бир қатор машҳур те-

лешоулар, жумладан, “Доктор Хаус”, “Қонун ва тартиб”, “Жиноятчи каби фикрлаш” каби сериаллар Кэтринга янада шухрат олиб келди. Унинг “Викинлар” сериалидаги жангчи Лагерта роли миллионлаб мухлислар эътиборини қозонди. Ушанда актриса таэквондодаги истеъдодини ишга солганди – Кэтрин таэквондо бўйича қора белбоғ, каратэда иккинчи дан соҳиби ва тансоқчилик лицензиясига эга.

У.ЙЎЛДОШЕВ тайёрлади

Xabar

МУАССИС:

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ВА КОММУНИКАЦИЯЛАРНИНГ РИВОЖЛАНТИРИШ ВАЗИРЛИГИ

Бош муҳаррир
Абдугани АБДУРАҲМОНОВ

Газета Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 0016 рақам билан 2013 йил 23 июлда рўйхатга олинган.

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:
Шухрат СОДИҚОВ (Ҳайбат раиси), Назиржон ҲАСАНОВ,
Коммуна ИРИСБЕКОВА, Тўлқин ТЕШАБОВЕВ,
Лутфилло ТУРСУНОВ (Бош муҳаррир ўринбосари),
Усмоножон ЙЎЛДОШЕВ (масъул котиб).

Таҳририятга келган қўлёзма ва суратлар эгаларига қайтарилмайди. Муаллифларнинг фикрлари таҳририят фикридан фарқланishi мумкин. Нашримиздан кўчириб босилганда “Хабар”дан олинганлиги кўрсатилиши шарт.

Газетани тайёрлашда интернет материалларидан ҳам фойдаланилади. Баҳоиси келишилган нарҳда.

Газета ҳафтанинг жума кунини чиқади

“Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди.
Манзил: Тошкент шаҳри, “Буёқ Турон” кўчаси, 41-уй.

G-757 сонли буюртма. Офсет усулида босилди. Қўғоз бичими А-3, ҳажми 4 босма табоқ. Адали: 3959 нусха.

МАНЗИЛИМИЗ:

100000, Тошкент шаҳри, Амир Темури 1-тор кўчаси, 2-уй (мўлжал: Олой бозори).
Телефонлар: 71-234-18-59, 71-234-18-31, факс: 71-234-17-91. E-mail: info@xabar.uz

Обуна индекси — 228.

Газета таҳририят компьютер базасида терилди ва саҳифаланди. Дизайнер: Аслиддин БҮРИЕВ. Навбатчи: Муҳиддин СОЛИЕВ.



ISSN 2010-6424

Босишга топширилди — 23.00.
Босишга топширилиш вақти — 24.00.

Вилоят муҳбирлари:

Андижонда 226-47-80 Бухорода (99)854-7305 Жиззахда (94) 199-95-64 Наманганда (91) 353-71-25 Навоийда 225-91-10 Нукусда 554-35-45 Самарқандда (91)557-84-44 Термизда (91)235-88-68 Тошкентда 234-18-59 Урганча (97) 211-65-05 Фарғонада 244-18-05 Қаршида (93)931-08-99